201_ A | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www uzhurriyat.uz * 2019-yil 29-oktabr, seshanba * № 39 (1151)

## СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ҚАЧОН БОЙ БЎЛАДИ?



Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида аксарият ҳайдовчилар томонидан суғурта компанияларига ишончсизлик, суғурта полисларини йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари (ЙПХ ходимлари)га ҳужжатни тақдим этиш учунгина мажбурий олаётганларини таъкидлашган.

⇨ 3-бет

## УЛУҒ АДИБНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ...



Ҳа, айтгандай, Эски шаҳарнинг Жангоҳ мавзеидаги кейинроқ Абдулла Қодирий номи берилган боғда ёзувчининг ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкалтарош ўз асарини бу зотнинг фожиали қисмати қандай якун топганини яхши билиб, англаб яратибди. Адиб ғиштлар ичидан йиғламсираб чиқиб тургандай, яъни ҳаққоний тасвирланибди...

⇨ 7-бет

## ҚАМАЛ ОСТИДАГИ МУҲАББАТ



Шу заҳотиёқ Эрик кутубхонага жўнади ва янгиликлар ёзилган газеталарни титкилай бошлади. Ниҳоят, у излаётгани — аёлнинг Сараево кўчаларидан югуриб ўтаётган расмини топди. Расмнинг тагига унинг исм-фамилияси ёзилганди. У Мирсада Бюрик экан.

⇨ 8-бет

## ЯНГИЛИКЛАР * ХАБАРЛАР * ВОҚЕАЛАР

### БАНК ТИЗИМИ ИСЛОҲ ЭТИЛАДИ

**Тошкент**. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Йиғилишда Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк раҳбариятига Жаҳон банки тажрибасидан келиб чиқиб, банк секторини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни якунлаш вазифаси қўйилди.

### ЯНГИ БИНО ВА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

**Самарқанд.** Пахтачи туманида "Мадина савдо белгиси" хусусий қурилиш корхонаси томонидан 3 миллиард 300 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган икки қаватли Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ.**

### КАСБ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

**Фарғона.** Қўқон шаҳридаги "Ўзбегим" тантаналар саройида 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган бир қатор Қўқон шаҳар ИИБ ходимларига "Фахрий ёрлиқ"лар ва эсдалик совғаларини топширди.

**Маруфа СОЛИЕВА.**

### РЕЖА БАЖАРИЛДИ

**Қорақалпоғистон.** 2019 йил режасига кўра, қорақалпоғистонлик пахтакорлар давлатга 184 200 тонна пахта хомашёсини топшириши лозим эди. 26 октябрь ҳолатига кўра, ҳудуддаги жами 2523 фермер хўжалиги режани **100,54** фоизга бажарди. **185 195** тонналик хирмон кўтариб, Қорақалпоғистон Республикаси Фарғона ва Андижон вилоятларидан кейин учинчи бўлди.

**Гўзал ЯКУДАЕВА.**

### ҲАРБИЙЛАР МАШҒУЛОТИ

**Сурхондарё.** Ҳудудда жойлашган ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда кўргазмали-услубий машғулот ўтказилди. Унда ҳарбий қисм командирлари, бўлинма командирлари ва уларнинг ўринбосарлари жалб қилиниб, ностандарт вазиятларда тезкор ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини оширишга эътибор қаратилди.

**Азимбек САМАДОВ.**

Туҳфа



## Навоийда дастлабки енгил конструкцияли кутубхона фаолият бошлади

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан Навоий давлат педагогика институти Ахборот-ресурс маркази фойдаланишга топширилгани ёш авлод учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.

— Енгил конструкцияли лойиҳа асосида қарийб 3 миллиард сўм эвазига бунёд этилган кутубхона 220 ўринга мўлжалланган, — дейди НДПИ Ахборот-ресурс маркази раҳбари Ҳамза Ортиқов. — Марказнинг умумий китоб фонди 31 минг 667 нусха бўлиб, унинг 6 мингдан ортиғи бадиий адабиёт, 5053 таси эса электрон китоблар жамланмасидир. Шунингдек, кўзи ожизлар учун 292 та аудио дарсликлар ҳам мавжуд.

5 →

Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Муносабат

## Сўзнинг инграшини ким эшитяпти?

Мамлакатимиз Президентининг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини "ойнаи жаҳон" орқали ҳаяжон билан тингладим. Юртбошимиз томонидан айтилган она тилимизни эъзозлаш, ҳар бир юртдошимиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, тилга эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз жоизлиги хусусидаги юракка етиб борадиган ҳақчил сўзлар ҳар бир инсонни, айниқса, ҳар бир ёш тенгдошларимни чуқур ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлаши жоиз деб ҳисоблайман.

Чунки, маънавиятимизнинг бош манбаи, сарчашмаси бўлган она тилимизга муносабатни энди ўзгартирмасак, кечиримли бўлмайди.

Ана шу йўлда Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги шу йил 21 октябрдаги (*қаранг, Она тилимиз байрами куни!*) Фармони эса эндиликда вазифаси, касби-коридан қатъи назар ҳар бир юртдошимиздан юксак масъулият, жавобгарлик, эътибор ва жонкуярликни тақозо этади.

Зеро, азалдан одамлар яратган эзгу сўзлар, ҳикматлар замонлар оша тилдан-тилга ўтди, сайқал топди, абадият касб этди. Тил — ҳар бир халқнинг ўзлиги, рамзи, сўз эса халқ дилининг адоғсиз хазинасидир. Маълум бир миллатга хос бўлган эртак, афсона ўша миллат даҳоси, миллий қиёфаси, руҳияти ҳақида хабар беради.

Ҳаётда ҳар бир инсон бирор-бир ютуққа эришишни, жамиятда ўз ўрнини топишни, она юрти тараққиёти учун керакли инсон бўлишни хоҳлайди ва шу мақсадда олға қараб интилади. Ана шу истакларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, унинг билими, ҳаракати, қилаётган меҳнатлари билан бирга унинг муомаласи, сўзлашув маданияти ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

4 →

Бизнинг суҳбат

## Тўра БОБОЛОВ:

# Чинакам инсон

## МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ БЎЛАДИ



Кейинги уч йил ичида мамлакат миқёсида ҳар бир соҳада амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Давлат дастурлари асосида саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳалардаги янгиланиш ва ўзгаришлар давом этиб, халқимиз бунёдкорлик, яратувчанликнинг завқи билан яшамоқда.

Сурхондарё вилоят ҳокими Тўра БОБОЛОВ билан мулоқотимиз бугунги кунда воҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни ва келгусида рўёбга чиқариладиган ишлар, истиқболли лойиҳалар кўлами ҳақида бўлди.

**— Тўра Абдиевич, суҳбатимизни, аввало, Президентимизнинг жорий йил 17-18 октябрь кунлари Сурхондарёга қилган ташрифи ва ушбу ташриф доирасида белгиланган муҳим вазифалар, вилоятда яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида бошласак.**

— Муҳтарам Президентимиз жорий йилнинг ўзида вилоятимизга уч бор ташриф буюрдилар. Бу, албатта, мамлакатимиз раҳбарининг Сурхон элига бўлган чексиз меҳри, ҳурмати туфайлидир.

Негаки, Юртбошимиз ҳар галги ташрифлари давомида вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишиб, вилоят аҳли, фаоллари билан бўладиган учрашув, мулоқотларида шу элнинг нафақат бугуни, эртаси, балки узоқ тарихи билан ҳам қизиқадилар, бизни янада фаолликка, жонкуярликка даъват этадилар.

Президентимизнинг бутун мамлакатимиз халқига бўлгани каби Сурхон юртига алоҳида меҳр-муҳаббатлари жуда катта. Шу боисдан ҳам Юртбошимизнинг кейинги ташрифлари давомида ўтказган йиғилишида "Ҳар бир вазир, соҳа ҳамда тармоқлар раҳбарларига йил якунигача ва келаси йилда Сурхондарё учун нималар қилишини аниқ ёзиб, вилоят ҳокимлигига тақдимот қилиш бўйича" топшириқ бердилар. Ва яна вилоятимиз иқтисодиётининг бугунги ҳаётини чуқур таҳлил қилиб, уни ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни белгилаб бердилар.

Жумладан, шу пайтгача режалаштирилган лойиҳаларни бажариш билан бирга, келгуси икки йилда умумий қиймати 13 триллион сўмликдан зиёд янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Насиб бўлса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, 3-4 йил ичида Сурхондарёда таниб бўлмас даражада ўзгаришлар бўлади. Шуни айтишим керакки, бунга Сурхон халқининг танти ва меҳнаткаш эли асло шубҳа қилаётгани йўқ. Яна ғурур билан айтишимиз мумкин, бутун юртимизда, жумладан, бизнинг вилоятимизда ҳам сўнгги йилларда рўёбга чиқаётган янгиланиш ва ўзгаришлар бунинг яққол далили, исботи бўлмоқда.

Афсуски, узоқ йиллар давомида Сурхондарё бироз эътибордан четда бўлиб қолган эди. Гарчи бу заминда ҳам жудда катта имкониятлар, салоҳият, энг муҳими, мард, танти ва меҳнаткаш одамлар яшаса-да, турли сабаблар рўкач қилиниб, йирик лойиҳаларнинг амалда татбиқ этилишига имконият яратилмаган. Айтайлик, уч йил аввалги ўтган даврда воҳада бирорта кўзга кўринарли саноат корхонаси бунёд этилмаган, шу боисдан, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳам оғир аҳволга келиб қолган эди.

2 →

"ОБУНА — 2020"

*Келгуси йил учун обуна давом этмоқда.*



Азиз юртдошлар, "HURRIYAT"га ошно юраклар — албатта обуна бўлинг! "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

**Нашр индекси: 233.**

Кейинги сонларда:

**"Таъқиқланган" кўчалар** ёки ўринли ўринсиз қўйилган йўл белгиларидан фойда кимгаю жабри кимларга?

**Фарғонада матбуот анжумани:** Заминни улуғлаган одамлар, тошдан қоғоз, хитойликларни ҳам аср этган қорабайир отлари ва бошқалар...

Бугунги "Шум бола"ларнинг шумлиги қачонгача?

HURRIYAT
2019-YIL 29-OKTABR
SESHANBA

## Тўра БОБОЛОВ:

# Чинакам инсон МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ БЎЛАДИ

1 **— Кейинги йилларда қандай ёруғ ўзгаришлар рўёбга чиқди?**

— Бу саволга жавобан, вилоятимизда ўтган бир-икки йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача сўз юритаман.

Термиз шаҳри, Шеробод, Жарқўрғон, Денов, Сариосиё каби туманларимизда пахтани қайта ишлайдиган йирик текстил корхоналари ишга туширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари шу йил 30 апрель — 1 май кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Термиз шаҳрида иш бошлаган "ZIF TEXTILE" корхонасининг тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эдилар. Ҳозирги кунда берилган топшириқлар асосида корхонада 94 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, йилига 6 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 400 та янги иш ўрни яратилди.

Ёки Сариосиё тумани марказидан қарийб 60 километр олисда жойлашган Сангардак қишлоғи ва унинг атрофидаги ўндан ортиқ аҳоли пунктида хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун беш ташаббус ижроси доирасида "Сангардак чеварлари" тикув-трикотаж мажмуаси қурилиб, ишга туширилди.

Ушбу енгил конструкцияли мажмуа чет элнинг замонавий тикув-трикотаж дастгоҳлари билан жиҳозланган. Кенг, ёруғ цехлар ва зарурий барча қулайликлар барпо этилган. Келгусида бу ерда мингдан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилиши учун ҳамма шароит яратилган. Унинг дастлабки босқичида уч юз нафар хотин-қиз бир сменада тайёр кийим-кечак ишлаб чиқармоқда.

Вилоятда чорвачилик, балиқчилик, замонавий иссиқхоналар барпо этиш ва бошқа соҳаларда ҳам қатор лойиҳалар ўзлаштирилди. "Ёшлар-келажагимиз", "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурлари ижроси доирасида кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Вилоятнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, янги хизмат турларини кенгайтиришга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш бўйича берилган топшириқ ижроси доирасида жорий йилда 103,7 миллион доллардан зиёд миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳаларнинг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган.

Сўнгги вақтларда вилоятимиз йирик қурилиш, бунёдкорлик майдонига айланган. "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Обод марказ" дастурлари ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига муносиб шароит яратилмоқда. Бунинг учун кенг, равон йўллар барпо этилиб, мавжуд кўп қаватли уйлар, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари реконструкция қилинмоқда, янгилари қурилаётир.

Сариосиё туманидаги Шарғун – тоғли шаҳарчаси вилоятнинг кўмир, оҳактош, кумуш, фосфорит каби ноёб қазилма захираларига бой ҳудудларидан бири. Шарғун кўмир конини қайта тиклаш ва самарали фойдаланиш учун "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда Хитой давлатининг Эксим банки томонидан ажратилган маблағлар эвазига 2021 йилгача йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилиб, бу ердан йилига 900 минг тонна кўмир қазиб олиш йўлга қўйилади. 600 иш ўрни яратилади. Ҳозир конларни қайта тиклаш баробарида кўмир қазиб олиш ишлари давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 30 апрель куни "Шахтёрлар шаҳри"га ташрифи чоғида Шарғун кўмир конини замонавий тарзда қайта тиклаш, ушбу ҳудуднинг қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан тегишли топшириқларни берган эди. Мазкур вазифаларга мувофиқ олис ва тоғли шаҳарчада йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

**— Тўра Абдиевич, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ва табиий имкониятлари юқорилиги жиҳатидан албатта, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрни бор гўша. Шундай экан, йирик саноат корхоналарини барпо этишда сўнгги йилларда қандай қадамлар қўйилди?..**

— Ҳақиқатан, Сурхондарё илгари қишлоқ хўжалигига ихтисослашган аграр вилоят ҳисобланган. Бугун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар вилоятимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Бунёдкорлик, яратувчанлик ҳар жабҳада қизғин. Ҳозирга келиб нафақат вилоят маркази Термиз шаҳрида, балки барча туманларда катта-катта қурилишлар бўляпти. "Обод қишлоқ, обод маҳалла" дастури доирасидаги ишлар туфайли чекка-чекка ҳудудларга файз кириб келаётир. Эндиликда вилоятимиз саноатлашган ҳудудга айланаяпти. Негаки, кўплаб саноат корхоналари қурила бошланди. Инвестиция дастурлари, таклифлар билан чиқаётган чет эллик инвесторлар кўпаймоқда. Ўтган йилга нисбатан инвестиция киритиш жорий йилнинг тўққиз ойида қарийб юз фоизга ошган. Афғонистон, Россия, Жанубий Корея, Европа давлатлари тадбиркорлари уй-жой, хизмат кўрсатиш, меҳмонхона, қишлоқ хўжалиги йўналишлари ва металл ишлаб чиқариш бўйича инвестиция киритишга қизиқиш билдирмоқда. Яқинда Жанубий Корея инвесторлари Термиз туманида гугурт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Энди бошланиши кутилаётган яна бир янги корхона цемент ишлаб чиқаришга қаратилади.

Бунёд этилган ва этилажак йирик корхонлар хусусида тўхталадиган бўлсам, ўтган йили Шеробод туманида цемент заводи ишга туширилган эди. Жорий йил Жарқўрғон туманида "Сурхонцементинвест" хорижий корхонаси барпо этилди. Бу ерда Германия, Австрия, Россия ва Хитойдан келтирилган замонавий технология ва ускуналар ўрнатилди. Лойиҳа қиймати қарийб 144 миллион АҚШ доллари бўлган корхонанинг биринчи босқичи якунланган. Завод тўлиқ қувват билан иш бошласа, йилига 1,1 миллион тонна цемент ишлаб чиқаради. Унинг 750 минг тоннаси экспорт қилинади. 1125 киши иш билан таъминланади. Юртбошимиз навбатдаги ташрифлари давомида ушбу завод билан ҳам танишиб, *"Сурхондарё вилоятининг иқтисодий имкониятлари жуда катта. Бу ерда ер ости бойликлари кўп. Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементлар бор. Бундан оқилона фойдаланишимиз, халқимиз манфаати учун ишлатишимиз керак"*, — дея юқори баҳо бердилар.

Вилоятимизда бир қанча ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда келгуси икки йил давомида 90,2 миллион долларлик 47 та истиқболли инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, Денов тумани иқтисодиётини ривожлантириш, туманда эркин иқтисодий зона ташкил этиш, вилоят экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мамлакатимиз раҳбари томонидан қатъий топшириқлар берилди.

**— Яхши биламиз, Сурхондарё ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳам машҳур. Хусусан, бир пайтлар пахтачиликда ингичка толали пахта кўп етиштирилар эди. Аммо...**

— Саволингизга тушундим. Чиндан ҳам Сурхон воҳасида узоқ йиллар давомида пахта етиштириш, ундан мўлкўл ҳосил олишни йўлга қўйган тажрибали деҳқонлар, зироатшунослар мактаби яратилган эди. Аммо бу борада ҳам йиллар давомида қатор муаммолар йиғилиб қолганлиги ҳақиқат. Лекин барибир, Сурхон деҳқонлари турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда бой тажрибага эга.

Жорий йилда вилоят пиллакорлари 1627 тонна сифатли хомашё тайёрлади. 93 минг гектар майдондаги ғалладан 532,5 минг тонна ҳосил йиғиб олинди. Вилоятимизда 17181 гектар майдонда мева, 13300 гектарда узум етиштирилади. Ҳозиргача 114700 тонна мева, 83300 тонна узум олинди. Айниқса, вилоятимиз пахтакорлари бу йил салмоқли ҳосил етиштирди. Ҳозиргача топширилган 85 фоиздан зиёд пахта ҳисобидан 820 миллиард сўмдан ошиқроқ даромад олиниб, 100 миллиард сўмга яқин соф фойда кўрилгани, мавсум якунигача бу кўрсаткич 135 миллиард сўмдан ошиши кутилаётгани фикримга ёрқин далилдир.

Энди ингичка толали пахта хусусидаги мавзуга келсак, чиндан ҳам сурхондарёлик деҳқонлар ингичка толали пахта етиштириш бўйича катта тажрибага эгадирлар. Мамлакатимиз раҳбари бу борада йиллар давомида эътибордан маълум даражада четда қолиб келаётган ингичка толали ғўза навларини кўпайтириш ва экин майдонларини кенгайтириш, олимларни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берди. Жорий йилда вилоятимизда қарийб 5 минг гектар ерда ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, келгуси йилдан бу кўрсаткич кескин оширилади. Юртбошимиз 2018 йил январь ойида вилоятимизга сафари чоғида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда вилоятда 6 та тўқимачилик кластери ташкил этилган. Улар ҳозирча вилоятимиз жами пахта майдонининг 67 фоиздан зиёдроғини қамраб олган бўлиб, келгуси йилда бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

**— Пахтачилик ҳақида гап кетаркан, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги туфайли айни мавсум палласида қийинчиликлар ҳам бўлиши табиий. Бу йил пахта теримига асосан кимлар жалб қилинган?**

— Тўғри, бу йилги мавсумга бошқачароқ ёндашаяпмиз. Терим отрядлари ташкил қилинди. Уларни шакллантириш, аввало, фермерларнинг ўз зиммасига юклатилган. Яъни, аввало, фермер хўжалиги аъзолари, уларнинг меҳнатга лаёқатли, вояга етган яқинлари, кўнгилли теримчилар пахта йиғим-терими билан машғул.

Иккинчидан, маҳаллада вақтинча ишсиз бўлиб турган фуқароларни теримга жалб қилиш ҳам яхши самара беряпти. Бундан ташқари, йиғим-терим учун кунлик терим пулларининг берилиши иш суръатини оширяпти. Теримда фаол қатнашганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориляпти. Қишлоқ аҳлига пахта терими мавсумидан сўнг ғўзапояни тенг тақсимлаш тартибини ҳам жорий қилиш кўзда тутилган. Ҳозир ижтимоий соҳа ва бошқа барча бюджет ташкилотлари ходимлари пахта йиғим-теримида иштирок этаётгани йўқ. Энди мажбурий меҳнатсиз ҳам ҳосилни йиғиб олишга ўрганишимиз керак. Пахта бўлса, унга юқорида айтганимдек, пайдар-пай пули тўлаб турилса, халқнинг ўзи ҳосилни тўлиғича йиғиб олишига шубҳа йўқ. Чунки пахта харид нархи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Пахта териб одамлар яхшигина даромад қилишяпти. Шундай экан, ўз-ўзидан мажбурий меҳнатга ўрин қолмайди ҳам.



*Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Термиз шаҳридаги "ZIF TEXTILE" масъулияти чекланган жамиятида 94 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, йилига 6 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 400 та янги иш ўрни яратилди.*

**— Яхши маълумки, бугун мамлакатимиз бўйлаб туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ва бу республикамиз иқтисодиёти учун сезиларли самара беради. Сурхондарёда экотуризм, этнотуризм ва зиёрат туризмини ривожлантириш учун имкониятлар юқори. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз?**

— Ҳа, вилоятда туризм соҳасини, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун қатор вазифаларни амалга оширишга киришилган. Айни пайтда вилоятимизда 384 та тарихий обида мавжуд. Буларнинг ҳар бири мамлакатимиз фуқаролари ва юртимизга келаётган сайёҳлар учун қизиқарли. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирққиз ота номлари билан аталадиган зиёратгоҳларимизга ҳам ўзимиздан, ҳам чет эллардан келаётган зиёратчилар оқими кўпаймоқда. Демак, зиёратгоҳларимиз шунга яраша таъмирланган, зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Бугун Термизий боболар зиёратгоҳларига элтувчи инфратузилмада барча шароитлар бор, қолганларида ҳам шундай шароитларни яратиш режалаштириляпти.

Сурхондарёнинг ўзига хос иқлими нуқтаи назаридан экотуризмни ривожлантириш учун имконият эса жуда етарли. Ҳудудда шундай гўшалар борки, ёз ўртасида ҳам тўрт фаслга гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ерларнинг ҳавоси экологик жиҳатдан тоза, мусаффо. Бундай жойларга, хусусан, Сангардак ва Бойсунга хориждан ташриф буюрувчилар сони ортиб бормоқда. Айни вақтда ушбу манзилларга элтадиган йўлларни реконструкция қилиш, зарур инфраструктура объектларини яратиш устида иш олиб боряпмиз.

Сурхондарёда агротуризмни ривожлантириш учун ҳам етарлича шароит бор. Чунки иқлимимиз ўзгача, анча иссиқ. Мева-чевалар ва полиз экинлари бошқа жойларга нисбатан бизда бир ой аввал пишиб етилади.

Яна шу мақсадда Термиз туманида 100 гектарлик иссиқхона барпо этилди. Шеробод ва бошқа туманларимизда ҳам замонавий иссиқхоналар қурилмоқда. Йил бўйи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Мисол, Шерободнинг анорлари нақадар машҳур бўлса, Термиз тумани ва Жарқўрғонда лимон, Ангорда турли кўкатлар етказиб беряпти.

**— Етиштирилаётган ушбу маҳсулотларни четга экспорт қилиш борасида қандай ишлар олиб бориляпти?**

— Бизда йирик "Термиз Карго центр" — логистика маркази фаолият олиб боради. Бу ерда маҳсулотлар йиғилади, сақланади ва экспортга йўналтирилади. Лекин тан олиб айтишим керак, маҳаллий тадбиркорларимизда маҳсулотларни сақлаш ва ўраш бўйича ҳозирча кўникма етарли эмас. Ҳозир бу масалада ҳам яхши натижалар учун ҳаракат қилиняпти. Маҳсулот сақловчи бир қанча совуқхоналар қуришга киришилди, мана ҳозир Шерободда қурилмоқда.

Юқорида айтганимдай, Шерободнинг анори бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган маҳсулот. Уни кўпроқ тадбиркорлар келиб олиб кетишяпти. Улар маҳсулотни сақлаб, Япония, Жанубий Корея ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилмоқда.

**— Йўлларни мамлакатнинг қон томирлари деймиз. Демак, бу ҳудудларга ҳам тегишли. Йўл равон бўлса, манзилимиз бехатар, ишимиз осон бўлади. "Олмаота — Термиз" трассасининг вилоятдан ўтувчи қисми таъмирланибди. Аммо вилоят марказидан ўтувчи ички йўллар, айниқса, "Бойсун — Сариосиё" йўлларининг аҳволи жуда ачинарли аҳволда. Уларга қачон навбат келади?**

— Тўғри, йўл масаласи Сурхондарёдаги энг оғриқли масалалардан биридир. М39 халқаро йўли Термиздан Деҳқонободгача халқаро стандартлар талаби бўйича мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Ҳозир Бойсундан Сариосиёгача бўлган ички йўлни икки чизиқли қилиб, халқаро стандартлар даражасида таъмирлаш бўйича аниқ дастур тузилган. Бу ишга шу йилдан киришамиз, ишлар бошлаб юборилган.

М41 "Термиз — Душанбе" йўлининг Сариосиёгача бўлган қисмини капитал таъмирлаш ишларига келгуси йилнинг февраль ойидан киришилади. "Ўзавтойўл" давлат қўмитаси мутахассислари билан биргаликда ишлаяпмиз. Мана шу йўл тўрт чизиқли йўл қилиб кенгайтирилади. Яъни, бу нафақат вақт ва масофани қисқартириш, балки хавфсизликни таъминлаш учун Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Шўрчи туманлари марказларини четлаб ўтадиган йўл бўлади.

**— Раҳбар маънавияти ҳақида нима дея оласиз? Сизнингча раҳбар ишбилармон, уддабурон бўлиши баробарида, маънавият, маърифат деган сифатларга қай даражада эга бўлиши лозим?**

— Инсон ким бўлишидан қатъи назар, у биринчи навбатда инсон, одам бўлиши шарт. Чинакам раҳбар эса аввало маънавияти, тарбияси, билими, одоби, ахлоқи билан ҳурматга лойиқ бўлади.

Қолаверса, катта-кичик раҳбарлик бу — масъулият, ишонч. Биринчи навбатда халқимизнинг, Президентимизнинг ишончи. Бундай ишончга сазовор бўлган киши маънавиятни ўзининг бош шиори, мезони деб билмоғи ҳам фарз, ҳам қарздир. Мана, ўзингиз айтинг, давлатимиз раҳбари нега биринчи навбатда маънавиятга, маърифатга, китобхонлик масаласига, ўқитувчилар меҳнатига юксак эътибор, ғамхўрлик кўрсатмоқда. Чунки бу бежиз эмас. Маънавий даража бўлмаса, илму маърифатдан узоқ бўлинса, ҳамма ишлар бефойда, бари бекор.

Айтмоқчи бўлганим, маънавият она алласидан бошланиб, устоз ўгитларигача, ота ибратию раҳбар салоҳиятигача сайқалланиб, шаклланиб боради. Раҳбарларда бу фазилат туғма хислатдай бўлиши керак. Албатта, раҳбар киши ўзини кўз-кўз қилмаслиги, зўраки "донишмандлик"дан холи бўлиши лозим. Маънавий дунёси баркамол, ишчан ва етук раҳбар халқ ичига яширинча ораламайди. Юзма-юз, очиқ мулоқотда бўлади. Бизда маънавияти бутун, ҳалол меҳнати туфайли номи эл аро қадрли бўлган раҳбарлар кўп. Уларнинг айримлари дунёдан ўтиб кетди, баъзилари эса хозир ҳам орамизда, эл ифтихори бўлиб ишлаб юришибди. Ҳаёт тарзи, раҳбарлик санъати ёш кадрлар учун ибрат мактаби бўлган маҳаллий раҳбарлар ҳақида ўйларканман, кўз олдимга Эшниёз Рустамов келади. У киши ғоят оғир-вазмин, чуқур мулоҳазали инсон эди. 1965 йилдан 1992 йилгача Шўрчи, Жарқўрғон ва Денов туманларига раҳбарлик қилди. Бу инсонда айрим раҳбарларда учраб турадиган бадхулқлик каби ёмон одатлар йўқ бўлган. Ҳар қандай ҳолатда ўзини шахсий манфаатлардан, майллардан тия олган. Шу кишининг кўп хислатларини атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг фазилатларига ўхшатишган. Шароф Рашидов Сурхондарёга келса, албатта, у киши билан учрашмасдан кетмас экан. Сурхон замини тарихдан маълумки, улуғ авлиёлар, алломалар юрти. Неча-неча Термизийлар қолдириб кетган улуғ маънавият сарчашмаларидан бугун нафақат юртимиз, балки бутун жумлаи жаҳон баҳраманд, десам хато бўлмаса керак.

Ғурур билан айтишим керак, Сурхон диёри Шукур Ҳолмирзаев, Тоғай Мурод, Нодир Норматов, Рўзи Чориев, Теша Сайдалиев, Шафоат Раҳматуллаев каби ижодкорларни етиштирди. Бугунги кунда эса Эркин Аъзам, Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Мирзо Кенжабек, Салим Ашур, Эшқобил Шукур ва бошқа иқтидорлар билан фахрлансак арзийди. Яна қанчалаб илм-фанда, санъат соҳасида катта ютуқларга эришган, эришаётган юртдошларимиз, умидли ёшлар ҳақида тўхталишим мумкин. Айтайлик, мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилаётган эътибор хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Воҳамизда спортчилари халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ўзбекистон довруғини дунёга тараннум этмоқда.

Мисол учун, шу йил 9-21 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатининг ўта оғир вазн бўйича чемпиони ҳамда чемпионатнинг энг яхши спортчиси, деб топилган сурхондарёлик моҳир чарм қўлқоп устаси Баҳодир Жалолов бутун халқимизнинг фахрига айланди.

Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида Баҳодирнинг ютуқларини алоҳида эътироф этиб, бу муваффақиятлар ортида тинимсиз меҳнат ва катта матонат ётганлигини таъкидладилар. Бизни катта спортга қадам қўйган ҳар бир ўғил-қизнинг иқтидори, маҳоратини ўз вақтида қўллаб-қувватлашга, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шароит ва имконият яратиб беришга даъват этдилар. Ва бу фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади.

Сурхондарёда спортнинг барча турлари тизимли равишда ривожланиб бораётган бир пайтда энди ҳарбий хизматчилар, аҳоли ва ёшлар ўртасида от спортини ривожлантириш ва тарғиб қилишга, улар ўртасида ушбу спорт тури бўйича турли мусобақаларни ташкил этиб боришни мақсад қилганмиз. Вилоятдаги ҳарбий қисмлардан бирининг негизида кўп тармоқли от спорти мажмуасини ташкил қилиш ҳам режалаштирилган.

Хабарларингиз бор, Президентимиз воҳамизга ташрифи чоғида Денов туманидаги ҳарбий қисмда бўлиб, Ватанимиз ҳимоячилари билан мулоқот қилди. Уларнинг маънавиятини, жанговар шайлигини ошириш бўйича тегишли топшириқлар бердилар.

Шунга мувофиқ ҳозирда ҳарбийлар қисмларини учқур ва наслли отлар билан таъминлаб, аскарларни от минишга ўргатиш, воҳанинг қадимий мусиқа асбоби — дўмбира чертишга кўникмасини шакллантириш, мардлик, жасорат, садоқат ва вафо каби буюк қадриятлар улуғланган "Алпомиш" сингари ноёб достонлар мутолаасини йўлга қўйишга эътибор кучайтирилади.

Албатта, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган улуғвор ғоялар, ташаббус ва вазифалар ижросини бекаму кўст адо этиш, бу нафақат иқтисодиётда, балки илму фан, спорт, адабиётда, мухтасар айтганда, маънавият ва маърифат соҳасида буюк боболаримиз сингари улуғ ишларга қодир эканлигимизни амалда намоён этишимизга шубҳа йўқ.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Суҳбатдошлар:
**Тоштемир ТУРДИЕВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.
**Азимбек САМАДОВ,**
"Hurriyat" мухбири.

**» Халқ билан мулоқот**

Президентимизнинг мамлакатимизда Халқ қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан 2016 йил 28 декабрда қабул қилган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳаётимиздаги кўп нарсаларни ўзгартирди. Энг муҳими, омма тафаккурида халқ давлат идоралари ёки айрим амалдорларга эмас, балки давлатнинг ўзи халқ ҳузурига йўл олгани, хизматига бел боғлагани ҳақидаги ҳуқуқий онг уйғонди.

# Янги тизим: эл ишончини оқлаш йўлида

Факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш билан шуғулланувчи бир қатор органларга келиб тушаётган мурожаатларнинг атиги 15-20 фоизи ўрганилаётган бўлса, "Халқ қабулхоналари"да бу кўрсаткич 80 фоиздан ортди.

Президентимиз фармонида аҳоли мурожаатларини ўрганиш, таъсирчан амалий-чоралар кўриш ҳамда мавжуд масала ва муаммолар, талаб ва таклифлар, етилган долзарб ишлар, вазифаларни бевосита одамлар орасига бориб, уй-жой ва яшаш шароитларини кўздан кечириб, таҳлил этиб хулоса чиқарган ҳолда ҳал қилишнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатилди.

Шундай қилиб мамлакатимизда давлат органларининг аҳоли орасидаги бевосита фаолиятини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди.

Белгиланган режа ва вазифаларнинг аҳамияти, салмоқ ва қамрови чиндан ҳам катта. Унга кўра, одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун уйма-уй юриш, ижтимоий масалаларни чуқур ўрганиш орқали муаммони ўз вақтида ва тўғри аниқлаш, ҳал қилиш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлаш тизимининг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда назорат қилиш мазкур қабулхоналарнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ҳозир туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган 4 та сектор ўз штаби ва ишчи гуруҳларига эга. Аҳолини қийнаб келаётган долзарб муаммоларни жойига бориб аниқлаш ва қонуний ҳал қилиш мазкур тузилманинг асосий вазифасига киради.

Жорий йилнинг ўтган даврида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тумандаги мавжуд 19 минг 886 хонадондаги вазият ўрганилди. Жами 2 минг 695 та мурожаат қабул қилинди. Талаб ва таклифларнинг 726 таси шу жойнинг ўзида бартараф этилди, уларни муфассал қараб чиқиш жараёнида эса яна 1 минг 696 таси, яъни 63 фоизи ижобий ечимини топди.

Шунингдек, сектор раҳбарларининг ҳам 147 та сайёр қабули уюштирилди. Аҳолининг 759 та мурожаати тингланди. Уларни қараб чиқиш асносида 66 фоизи ўз тасдиғини ҳамда ижобий ечимини топди.

Тумандаги "Халқ қабулхонаси" Президентимиз фармони ижросини таъминлашда фаол иштирок этди, ташкилотчиликка дахлдор аксарият тадбирларга ўзи бош-қош бўлди. Йил бошидан буён "Халқ қабулхонаси"нинг ўзи фуқароларнинг 815 та мурожаатини қабул қилди. Аҳамиятли жиҳати, пировардида бу мурожаатларнинг 692 таси, яъни 85 фоизи асосли, деб топилди ва барчаси ижобий ҳал этилди.

Секторлар қошидаги ишчи гуруҳ аъзоларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиши, ваколатли давлат ва бошқарув идоралари раҳбарларининг аҳоли билан юзма-юз сайёр мулоқотлари, "Халқ қабулхонаси"да ўтказилган қабул жараёнларида фуқароларнинг мурожаатлари атрофлича ҳал этилгани улар қалбида чуқур қониқиш, давлатимиз томонидан юргизилаётган инсонпарварлик сиёсатига нисбатан чуқур самимият ва хайрихоҳлик туйғуларини уйғотди.

Шу ўринда, халқимизнинг дарду ташвиши, турмуш муаммолари билан шуғулланувчи бундай ваколатли маъмурий бўғинлар шаклланмаганида омма турмушида ижобий жараёнлар, ўсиш-ўзгаришлар юзага келармиди, деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Ўз вақтида бартараф этилмаган қусурлар болалаб кетиб, ундан пайдо бўлган яра эса газак олиши табиий эди. Барҳам топган ҳар бир хато, нуқсон кези келганида ўнлаб, юзлаб ножоизликларнинг олдини олиш омилига айлангани, катта-кичик бунёдкорликлар, моддий бойлик яратиш жараёнлари кучайишига йўл очганини англаш қийин кечмайди.

Биргина жорий йилнинг ўзида фуқаролар мурожаатлари асосида 27,2 километр масофага ичимлик суви қувурлари тортиб келинди, узунлиги 7 километрдан зиёд пиёдалар йўлакчалари барпо этилди, 8,4 километрлик йўл ва кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди, 27 километр масофадаги йўлларда таъмирлаш ишлари бажарилди, 2 та умумий ўрта таълим мактаби, 4 та мактабгача таълим муассасалари бинолари мукаммал таъмирланиб, қайта фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 55 та бозор инфратузилмаси объектлари вужудга келтирилиб, 115 та янги иш ўринлари яратилди.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ кўпгина камчилик ва етишмовчиликлар барҳам топгани эса ўзимизнинг қалбимизга ҳам қувонч, шукроналик кайфиятларини олиб кирди. "Янгиариқ" маҳалласида истиқомат қилувчи Қ.Саъдуллаева табиий газ таъминоти бўйича асоссиз равишда қарздорлар рўйхатига киритилгани, "Вакиллар" маҳалласида яшовчи К.Қўчқоров эса ногирон фарзандига имтиёзли тарзда турар-жой ажратилмагани, "Чақир" маҳалласи фуқароси Ш.Жуманиёзовнинг турар-жойига табиий газ тармоғи улаб берилмагани, фуқаро Ф.Эшматова яшаётган "Тоғон" маҳалласи тоза ичимлик суви билан таъминланмагани, нафақат уларни, балки бизни ҳам ташвишлантирди. Одамлар томонидан илгари сурилган масала, муаммо ва нуқсонларнинг ижобий ечими якунида кўпгина элдошларнинг мамнун чеҳрасини кўрдик.

Масаланинг яна бир нозик жиҳати шундаки, зикр этилаётган мавзу ва мисолларни муқаддам даврларда тилга ололмасдик. Аниқроғи, бундай имкон илкимизда эмас эди. Энди эса буларнинг бари бисёр, йўллар очиқ. Уни бизга Президентимизнинг шахсан ўзи инъом этаяптилар. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тантанаси, демократик тартиб-таомилларнинг устуворлиги юртимизда тобора яққол намоён бўлаяпти.

Яширишнинг ҳожати йўқ, яқин-яқинларгача инсон ҳуқуқлари, адолат ва одилликни таъминлаш, халқимизни ижтимоий ҳимоялаш каби кўрсаткичларимиз билан ҳақли равишда мақтана ва ғурурлана олмасдик. Энди эса уқдирилганидек, вазият тамомила ўзгарган ва назаримизда бу борадаги фаолиятимизни такомиллаштириш, ишларимизни тағинда жонлантириш ва юқори босқичларга олиб чиқишнинг янги ва истиқболли имконлари мавжуд. Халқимиз ҳам ношукр эмас, қўллаганни албатта қўллайди, эзгуликни албатта қадрлайди.

Шундай экан, бугун уларнинг ҳаётига четдан ва панжа орасидан қараганлар сўзсиз ютқазишади. Олди олинмаган ёхуд бартараф этилмаган нуқсон, назар ва эътибордан холи қолдирилган мурожаат эса мадда бойлайди. Оқибатда бир кишининг дарди, ташвиши ўзгалар, чек қўйилмаган тақдирда эса, тумонот одамга юқади. Бошқача айтганда, бир ташвиш ўнга кўпаяди. Давлатимиз ва унинг раҳбари сизу биздан халққа хизмат қилиш, одамларнинг дуоси ва розилигини олишни сўраяпти. Назаримизда бундай имкониятлар ва уни амалда таъминлашга қобилу қодир серҳиммат, раҳнамо мутасаддилар орамизда оз эмас. Мақсад ва ниятларимиз эса бу сафни янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш, саъй-ҳаракатларни тағинда кучайтириш ҳамда такомиллаштириш-дан иборат.

**Бекчон САФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янгиариқ туманидаги "Халқ қабулхонаси" мудири.**

**» Талқин**

Албатта, вақтни тўғри истифода этиш, ўтган кундан керакли хулосаларни чиқара олиш кўп нарсани ҳал этади. Буюк ёзувчи ва шоирлар, олимлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ҳақида ўйласам, уларнинг улгуриш санъати қаршисида лол қоламан. Хўш, қандай қилиб вақтдан ўзиб кетиш мумкин?..

# УЛГУРИШ САНЪАТИ

Шу саволга жавоб излаб айрим адиб ва илм аҳлининг таржимаи ҳолини ўқиб чиқдим. Менга ҳамма каби тирикчилик ташвишлари билан ҳаёт қозонида қайнаётган ижодкорларнинг ўзларидан ортиб қилаётган яратиқлари ўта қизиқарли эди. Аввалдан ўзим яхши кўрадиган ёзувчи ва шоирлар билан суҳбатлашсам бутун дунёни унутиб юборардим. Бу гал ҳам шундай бўлди.



Ҳеч кимни айбситмаган ҳолда айтишим мумкин, сўнгги йилларда адабиёт майдонида устоз-шогирдлик анъаналари бироз сустлашди. Катта авлод вакиллари ўзларининг ҳаёт-фаолияти ва ижоди ҳақида ёшларнинг тўлақонли маълумотга эга бўлишини исташлари рост. Табиийки, қалам тебрата бошлаган ёш қаламкашлар ҳам уларга талпинади. Аммо бу икки авлод вакилларини бирлаштириб турувчи ришта у қадар кўзга ташланмайди.

Тўғри, давр силсиласидаги ўзгаришлар, тараққиёт билан мос тарзда инсониятнинг дунёқараши, тасаввур олами, муомала ва муносабатлари шаклланиб боради. Узоққа бормай, ўзимнинг ҳаётимда момомнинг таъсири жуда катта бўлган. Лицейни тамомлаган йилим олий ўқув юртига ўқишга кира олмадим. Кечаю-кундуз ўқишга тайёргарлик кўраман. Уйдаги ягона вазифам — дард чекиб ётиб қолган момомнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиш. Ёнларига қишлоғимизнинг кайвони аёллари кўп келишади.

Ўшанда ўқишга кира олмаганимга кўп куюнган бўлсам, йиллар ўтиб, кекса момомнинг суҳбатидан баҳраманд бўлишимга сабаб бўлгани учун буни ҳикматга йўйдим. "Берган дардингга шукр", дея инграганлари ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Орадан 16 йил ўтиб, берган насиҳатлари, сабоқлари, ўзларининг ўрнак бўлгулик умр йўлларидан маънавий озуқа олганимни янада чуқурроқ ҳис қиламан.

Муқаддас риштадан бебаҳра қолган айрим авлод вакилларининг ҳолига ачинаман. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Шаҳидлар хиёбони" ёдгорлик мажмуасини узоқ айландим. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратлар... сиймоси кўз олдимдан бир-бир ўтди. Улар теран нигоҳлари билан бизни жим-жим кузатиб турарди гўё. Ана шундай зиёлилар миллатим, элим, юртим деб жонфидо қилганди.

Шу ҳақда ўйларканман мажмуада қўлтиқлашиб юрган, ўриндиқларда бир-бирлари билан қапишиб турган, қаерда юрганини хаёлига ҳам келтирмаётган айрим ёшларга кўзим тушар экан, улуғлар хотираси олдида мулзам тортдим. Улар жонлари халқумига келганида ҳамда "миллатим" дея ҳайқирганларида мана шуларни назарда тутганмиди?!

Усмон Носир Сибир ўрмонларида жон таслим қилаётганида келажак авлодни қандай тасаввур қилган экан-а!?

Улар минг бир машаққат орасида ҳам ўзларини йўқотмаганлар, аксинча, мақсадлари йўлида қатъийлашганлар. Албатта, бутун бир авлодни инкор қилиш ниятида эмасман. Дунё билан бўйлашаётган ёшларни кўрганда кўнглим фахру ифтихорга тўлади. Халқаро фан олимпиадаларида қанчадан-қанча ўқувчиларимиз олтин медаль совриндори бўлаяпти. Халқаро Гран-при соҳиб ва соҳибалари бўлган ёш шахматчилар, мусиқачиларнинг саноғидан адашиб кетасиз...

Аслида ҳам азалдан мамлакатимиз олиму уламо, адиблару ҳассос шоирларга бой бўлганини бугун жаҳон аҳли тан олади. Бир вақтлар ўспирин-ёшлар елкага тўнни ташлаб, шаҳарма-шаҳар юриб, устозларга шогирд тушиб, хизматини қилиб, улардан илм ўрганган. Вақт ўтиб, она юртга баркамол инсон, етук олим бўлиб қайтишган.

Ўзимга эътирозим, кўп нарсани дўндирмаган ҳолда, танқид қилиш ва инкор этишга устадекман. Бирон ижодкорнинг асарларини мукаммал ўрганмай туриб, хулосалар чиқаришдан олдин, асарни ўқиб, кейин фикр айтиш афзалдек туюлади. Баъзан гапга чечанларга дуч келсам, бир дўстимнинг: "Ҳеч нарса қилмаган одам максималист бўлади", деган гапи эсимга келади. Бу кетишда ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Пуанкаре" ҳикоясидаги бош қаҳрамоннинг ҳолига тушиб, ёшимиз бир жойга борганда: "Худойим! Мени ўттиз йил орқага қайтар, Худойим... Худойим, мени ўттиз йил орқага қайтар...", дея Парвардигорга тавалло қилмасак, деб қўрқаман...

**Азиз НОРҚУЛОВ**
*Бахмал тумани.*

**» Таассуф**

Бугун мамлакатимизда қайсики соҳада ислоҳот ўтказилаётган бўлса, барчасида халқимизга енгиллик ва қулайлик яратиш мақсади кўзланяпти. Аммо...

# Суғурта компанияси қачон бой бўлади?

## Қачонки одамларни норизо қилибми?..

Яхши биласиз, автотранспорт воситасини бошқариш учун камида учта асосий ҳужжат: автотранспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва суғурта полиси талаб этилади. Маълумки, мамлакатимизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш икки шаклда — чекланган ва чекланмаган суғурта полиси тарзида амалга оширилади.



Чекланган тарзда фойдаланиш суғурта полиси фақат унда аниқ кўрсатиб ўтилган шахсларга ишончнома орқали ёки автотранспорт эгасининг иштирокида автомобиль воситасини бошқариш ҳуқуқини беради. Чекланмаган тарзда фойдаланиш суғурта полиси эса, ишончномага эга ёки автотранспорт эгасининг иштирокида исталган шахсга бошқариш ҳуқуқини беради.

Ўтказилган таҳлиллар ва аҳоли билан бўлган суҳбатлар мазкур амалиёт моҳиятан нотўғри йўлга қўйилганини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, автотранспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан бир қадар адолатсиз амалиёт деса, тўғри бўлади.

Дейлик, автотранспорт воситасини четкароқ ҳудудда бошқариш пайтида ҳайдовчининг соғлиғи ёмонлашиб қолди ва уни зудлик билан яқин орадаги тиббиёт муассасасига олиб бориш зарурати туғилди. Амалдаги тартиб бўйича ҳайдовчининг ёнида ўтирган фуқаронинг ўзи билан ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса ҳам ушбу автотранспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи йўқ ҳисобланади. Ваҳоланки, бу ҳолатда мулк эгаси розилик бериб турибди, унинг профессионал қобилиятга эга эканини тасдиқловчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бор, бунинг устига, кечиктириб бўлмас ҳолат. Аммо...

Рақамларга мурожаат қилсак. Биринчидан, статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда суғурта полисларининг аксарият қисми, деярли 90 фоизи жисмоний шахсларга тўғри келади.

Иккинчидан, чекланган ва чекланмаган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта товонлари (тўловлари) миқдори ўртасида кескин фарқ мавжуд. Хусусан, транспорт воситасидан чекланмаган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта товонининг миқдори чекланганидан 3-4 баравар ортиқдир.

Учинчидан, суғурта товони миқдоридаги бундай кескин тафовут, ўз навбатида, фуқаролар томонидан нархи пастроқ, аммо чекланган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта полисларини олишга мажбур қилмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан 98,3 фоиз (!), юридик шахслар томонидан эса 72,8 фоиз ҳолатда чекланган тарздаги суғурта шартномалари тузилгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан мижозларга суғурта полислари бўйича тўловларни амалга ошириб бериш фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Жумладан, йўл транспорт ҳодисаси бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилмаслиги боис, фуқароларни ортиқча сансалорликка дучор қилиш натижасида аҳоли томонидан суғурта компанияларига бўлган ишонч йўқолаяпти.

Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида аксарият ҳайдовчилар томонидан суғурта компанияларига ишончсизлик, суғурта полисларини йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари (ЙПХ ходимлари)га ҳужжатни тақдим этиш учунгина мажбурий олаётганларини таъкидлашган.

Бинобарин, мазкур муаммоларнинг ечими ягона бўлиб, суғурта полисларини фақат бир турда, яъни фақат чекланмаган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи суғурта полисларини жорий қилиш ва суғурта товони миқдорини мўътадиллаштиришни талаб этади.

Юқоридаги статистик маълумотга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суғурта бадалининг қулай миқдорга пасайтирилиши суғурта компанияларига асло зиён етказмайди, айни пайтда уларга қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаш баробарида, фуқаролар ҳуқуқини кенгайтиради. Энг асосийси, мамлакатимизда бир турдаги чекланмаган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи суғурта полисларига эга ҳайдовчилар сони ошиб, уларга адолатли ва кафолатланган суғурта тизимининг жорий этилишига имкон яратади.

Соҳадаги мутасаддилар такомил излаб, ўзаро манфаатли тизим яратиб, аҳолига қулай механизмларни киритиш тадоригини кўриши мақсадга мувофиқдир.

**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**» Медиа-тур**

Шу йилнинг 25-26 октябрь кунлари мамлакатимизнинг бир гуруҳ босма нашрлари бош муҳаррирлари, интернет сайтлар ва телерадиокомпаниялар мухбирлари, блогерлар иштирокида Фарғона вилоятида медиа-тур ташкил этилди.

## Журналистлар Фарғонада

Вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими томонидан ташкил этилган мазкур тадбир доирасида иштирокчилар вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Ижодкор-журналистлар иштирокида пахта далаларида ва жойларда турли учрашувлар ўтказилди.

Дастлаб медиа-тур иштирокчилари Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида бўлишди. Заминни улуғлаган фермер аёл билан суҳбат анча эсда қоларли даражада бўлди. Медиа-турнинг иккинчи куни иштирокчилар Қўқон шаҳридаги "Буюк алломалар музейи" фаолияти билан танишди. Мазкур маскан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, миллий қадриятлар, миллий маънавиятнинг энг ноёб бойликларини ўзида жамлаган. Бу ерга келувчилар Қўқонда яшаб, ижод қилган адиб ва алломалар ҳаёти, асарлари ҳақида маълумот олади. Буюмлар, турли идишлар эса ўша давр турмуш тарзидан дарак беради. Музейдаги экспонатлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, меҳмонлар Риштон туманида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва қурилиш ишлари билан танишдилар. Ҳунармандларнинг уй устахоналарига бордилар.

— Медиа-тур Фарғонани янада яқинроқ билишимизга имкон яратди, — деди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусаид Кўчимов. — Халқнинг аҳиллиги, бунёдкорлик ишлари таҳсинга лойиқ. Бу ерга келган ҳар бир журналист ўзи учун Янги Фарғонани кашф этди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Таҳририятдан:** *Бурҳониддин Марғиноний айтганидек: "Фарғона узук бўлса, Марғилон унинг кўзидаги гавҳар". Вилоятдан тайёрланадиган очеркимиз газетамизнинг кейинги сонларида эълон қилинади.*

**» Матбуот анжумани**

# Янгича усул ва натижалар

"Олмалиқ КМК" АЖ мамлакатимиздаги йирик кон-металлургия комбинатларидан биридир. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган мис-порфир, қўрғошин-рух ва олтин-кумуш конлари захираларига таянади.

Комбинат таркибида 6 та маъдан қазиб олувчи корхона, 5 та бойитиш фабрикаси, иккита металлургия, 2 та цемент, мис қувурлари, таъмирлаш механика ҳамда оҳак заводлари, нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш маркази, саноат темир йўл транспорти бошқармаси, 8 та автобазага эга автомобиль транспорти бошқармаси, истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармаси, 20 дан ортиқ ёрдамчи цех ва лабораториялар мавжуд.

Ўтган йили июль ойида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Олмалиқ КМК" АЖ устав капиталида давлат улушининг ишончли бошқарувчиси сифатида "SFI Managament Group" жалб қилинди. Айни пайтда ишончли бошқарувчи билан биргаликда рангли, қимматбаҳо ва нодир металлар ишлаб чиқаришни сезиларли даражада оширишни назарда тутувчи асосий қувватларни реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш бўйича устувор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, бугун комбинатда инвестицион лойиҳаларни жадаллик билан олиб бориш, технологик жараёнларни оптималлаштириш ва корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини босқичма-босқич татбиқ этиш борасида кенг кўламли иш олиб борилияпти. Ушбу ўзгаришлар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари кўпаймоқда. Жорий йилнинг саккиз ойи давомида маҳсулотлар ҳажми ўтган даврга нисбатан 130,9 фоизни ташкил этди. Катод миси 124,1, металли рух 122,6, аффинажланган олтин 106,7, аффинажланган кумуш 168,9, маҳсулот экспорти эса 156,8 фоиз қилиб бажарилган.

— Шу йилнинг ўзида комбинат ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга қаратилган иккита йирик халқаро анжуман ўтказдик, — дейди комбинат бошқаруви раиси ўринбосари Азимжон Мирзажонов. — Яқин йиллар ичида комбинат хомашё базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларини юксалтиришга қаратилган жами 3 миллиард 349,8 миллион долларлик инвестицияни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. "Ёшлик-1" конининг ўзлаштирилиши ва Мис бойитиш фабрикасининг қурилиши бўйича қабул қилинган қарорлар республикамизда рангли металлар ишлаб чиқаришни икки баробар кўпайтириш ва ҳудудда янги иш ўринлари очилишига имкон яратади. Комбинатимизда кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Еттита олий ўқув юрти билан шартномамиз бор. Ҳозирги кунда жами 300 нафар талаба корхонамизнинг эҳтиёжи, келажакдаги кадрлари сифатида таълим олмоқда. Шу йилнинг ўзида 200 дан зиёд олий маълумотли кадрлар мана шу катта оиламизга кириб келди. 110 дан зиёд талабанинг контракт пулларини тўлаб бердик. Бундан ташқари, комбинат ҳисобидан 10 та кўп қаватли уй қурилиб, эгаларига топширилди. Айни пайтда Низомимизга жавоб берадиган 408 ёш оилага янги уйлардан ажратилган. Улар бу уйлар учун маблағни 15 йил давомида имтиёзли нархда тўлаб боради. "Ёшлар боғи" ташкил этилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида корхонамиз ходимлари учун спорт мажмуаларимизда бепул шуғулланиш имкони яратилган...

Анжуманда журналистларнинг хомашё захиралари, кадрларни ишга қабул қилиш шартлари, комбинатнинг ОАВга ва давлат тилига муносабати, ишончли корпоратив бошқарув билан боғлиқ кўплаб саволларга атрофлича жавоб берилди.

Комбинатнинг ташкил этилганига бу йил 70 йил тўлди. Ушбу сана 24 октябрь куни Олмалиқ шаҳрида катта тантана сифатида нишонланди. 25-26 октябрь кунлари эса тармоқлараро ярмарка ўтказилди.

**Х. АҲМАДЖОНОВА.**

Тил борки, миллат бор. Кўҳна тарих ўз она тилига эга бўлмаган халқни миллат сифатида эътироф этмайди. Тилни миллат рамзи сифатида англар эканмиз, уни кўз қорачиғидай асраш, бойитиш, талаффуз меъёрларига тўла риоя қилиш, бузган, чалкаштирган ҳолда талқин этишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши туриш юртимиз фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

# Бу санъат судья учун ҳам жуда зарур

Тил, матн, талаффуз, деганда аксарият юртдошларимиз нигоҳида кўпинча қалам аҳллари, яъни оммавий ахборот воситалари, китоб ва илмий ҳамда оммабоп мақола ва маърузаларни ирод этучи ижодкорлар сиймоси гавдаланади. Чиндан ҳам шундай. Сўз ва ибора йўқ жойда китоб ҳам, газета ёхуд журнал, ҳатто интернет алоқаси ва мулоқот воситалари ҳам мавжуд бўлолмайди. Курраи-заминимиз "ойнаи жаҳони" ҳам усиз фаолият кўрсата олмайди. Тилу забонга эга бўлмаган халқ ва миллатни эса ҳатто тасаввурингизга ҳам сиғдира олмайсиз.

Шу ўринда тил ва матнни қурол қилган бадиий ва публицистик ижод аҳлига энг яқин турувчи касб соҳиблари кимлар, деган савол туғилади. Нафсиламбирини айтганда, қаламкашликни касб қилган журналист, наср ва назмда ижод қилучи ёзувчи-шоирлар, илм-фан аҳллари сафида судья либосидаги инсонлар ҳам борлигини, албатта, эътироф этмоқ жоиз.

Ҳуқуқ соҳасининг оддий ходими сифатида яқинда чамалаб кўрдим: судья мақомидаги касбдошларимизнинг ҳар бири йилига ўртача ўз бўйи баробар қалинликдаги қоғозга матн битар экан. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ўктам ота Раҳимов, ушбу касбнинг таниқли соҳибларидан Дурдибой Матмуродов, Шарифбой Бобожонов, Рўзимат Худойберганов, Султонмурод Хўжамуродов, Одилбек Каримов, Ҳасанбой Муҳаммаджонов, Улуғбек Бектурдиев, Олимбой Машариповларнинг бу борадаги малака ва маҳоратига шогирдлик туйғуси-ла тан берамиз.

Устоз қаламкашлардан эшитганим бор: матнда сўзларни такрор қўллашдан доимо тийилмоқ даркор. Уни битта жумлада бир неча бор қўлламоқ матн битувчининг нўноқлигидан дарак беради.

Битикларимиз аниқ, лўнда, содда ва тушунарли тарзда ёзилсагина маъно-мазмуни кишилар, шу жумладан, манфаатдор тарафларнинг онг-тафаккуридан ҳам чуқур жой олади, таъсирчанлиги ортиб, наинки судья, балки ушбу даргоҳнинг ҳам нуфузи, обрў-эътибори юксалади. Жумла битиш маҳоратини озроқ бўлса-да, эгаллай олмаган ходимнинг малакали судья қиёфасида шаклланишини тасаввур этиш амри маҳол.

Айни маҳалда эса бир қатор ҳамкасбларимиз битаётган суд ҳужжатлари, матнларда қайтариқ сўз ва иборалар, узундан-узоқ ва ҳатто такрорий жумлалар ҳам учраяптики, бу ҳолат ниҳоятда катта ва теран тил ҳамда сўз бойлигимиз намуналарини чуқур эгаллашга бўлган эътибор кескин кучайтирилиши зарурлигини тақозо қилаяпти. Бу борадаги салоҳиятимизни оширишнинг энг мақбул йўли назаримизда китоблар, газета ва журналлар мутолаасига алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Зеро, Президентимиз юртимизда китобхонлик даражасини юксалтириш масаласини бежиз кун тартибига қўяётганлари йўқ. Оммавий нашрлар ҳам тилимиз хазинасини бойитишда алоҳида муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик зарур. Судьянинг доимий ҳамроҳи сўз, ибора, жумла экани ва ҳамиша ана шу "дастёр"лар қанотида фаолият кўрсатиши ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи илм-фан ва таълим даргоҳлари устоз-муаллимлари эътиборини доимо жалб этиб турса, деймиз. Бунда тил илмига оид таълим соатлари ва дастурларини янада кўпайтириш ва бойитишнинг аҳамияти, айниқса, катта. Қаловини топса, қор ҳам ёнади, дейишади. Бинобарин, судьянинг амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларда ифодасини топган атамалар, сўз ва иборалар доирасида фаолият кўрсатиши зарурлигини ҳам тилга олмоқ зарур.

Жаҳон илмий ва ижодий жамоатчилиги буюк Алишер Навоий бобомизнинг машҳур "Хамса" асари жами 12 мингдан зиёд туркий сўз ва иборани ўзида мужассамлаштирганини миллатимизнинг катта ва бебаҳо тил бойлиги сифатида эътироф этган. Бу – ер юзидаги манаман, деган миллатлар, чунончи, инглиз, рус, араб, хитой, испан, немис, француз тилларида сўзлашувчи халқлар бисотидаги сўз бойликларидан кам эмаслигини тасдиқловчи ишончли далилдир.

Ушбу қимматли неъматни ўзлаштирмоқ ва ундан оқилона фойдаланмоқ биз — суд-ҳуқуқ жабҳаси ходимлари учун ҳам фарз, ҳам қарз, у ишимизга мудом катта наф келтиришига шак-шубҳа йўқ. Тил бойликларини ўзимиз битаётган ҳужжатларда муваффақиятли қўлламоқни эса даврнинг ўзи ҳам талаб, ҳам тақозо этаяпти.

**Акбар АМИНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Ҳазорасп туман суди раиси.**

# Сўзнинг инграшини ким эшитяпти?

Айтишади-ку, "Ширинсўз — жон озиғи" деб, қай бир ишга қўл урмайлик агар, биз ширинсўз, дилкаш ва муомалали бўлсак, бошлаган ишимиз тез ва осон натижа беради. Кўпинча, бобо ва бувиларимиз билан суҳбатлашганимизда уларнинг гапларини тез илғаб оламиз, ўз-ўзидан хотирамизда ҳам узоқ вақтгача муҳрланиб қолади. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг сўз қўллаш санъатидир. Ҳар бир сўз аниқ мақсадга, тарбияга қаратилган. Қай бир сўздан қандай вазиятда, қай ҳолда фойдаланишни улар яхши билишади. Мен ҳам бобом ва бувим билан кўп суҳбатлашганим учунми ёки устозларимнинг берган билимлари натижасидами кўпинча кўча-кўйда юрганимда, одамлар билан суҳбатлашганимда, телевизор томоша қилаётганимда сўзларни ноўрин, нотўғри қўлланилаётганини кўриб чидолмай қоламан.

Телевизорда чиқаётган сухандонларимиз "Япония" сўзини "Йипония" айрим хонандаларимиз қўшиқларида "Она тупроқ" сўзини "Уна тупрак" деб русча талаффузда, юзаки бир ҳолатда айтган ҳолларда юрагим оғриб кетади. Тўғри, хатолар ҳамма телерадиоканалларда ҳам учрамайди. Бу кўпроқ хусусий телеканалларга тегишлидир. "Бажонудилдан", "бениҳоятда", "бағоятда" сингари ясама сўзлар, боши-охири йўқ, келишик қўшимчалари аралашиб кетган мантиқсиз гаплар кўп.

Гоҳо самолётда учиш олдидан эълон ўқиган қизнинг овозини эшитганда дод деб юборгингиз келади. Негаки, инглиз, рус тилидаги нутқи шундай равон, шундай чиройли, аммо ўзбекчасини эшитишга унчамунча одамнинг тоқати ҳам, асаби ҳам чидамайди. Шу ўринда беихтиёр атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеъри ёдга тушади:

*Парвоз чоғи тайёранинг*
*дилбар келини,*
*Кўк тоқини бизга тахти*
*Сулаймон қилди.*
*Лекин эълон ўқиганда*
*ўзбек тилини,*
*Давлат тили бўлганига*
*пушаймон қилди.*

Яқинда, бир устозимнинг таклифи билан Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" номли китобини қўлга олдим. Китоб жудаям қизиқарли экан, уни ўқиш жараёнида яна кўплаб сўз қўллаш билан боғлиқ бўлган хатоларимизни тушуниб етдим. Қарангки, кундалик ҳаётимизда учрайдиган оддийгина тўйга чақириш учун тайёрланадиган таклифномаларга ҳам хато ёзар эканмиз. "Тўйга чорлаганда таклиф қиламиз ёки лутфан ташриф буюришингизни сўраймиз, дейилади. Бизга биринчи жумла ўта қисқа иккинчиси ўта узун туюлиб, ўртачасини танлаймиз: Лутфан таклиф қиламиз! Ўзимиз билмаган ҳолда меҳмонни камситиб, ўз шахсимизни улуғлаймиз." ("Сўз латофати" китобидан). Шу билан биргаликда мана шу китобда тилимиз билан боғлиқ қисқартмаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. "Кўзингни оч, оёқ остингга қара, деган гапни қисқача қилиб, кўзингга қара, деймиз ва қизиқчиларимизга кулгу бўламиз. Сўзни қисқартиришга жуда устамиз. Муҳаммад Раҳим деган исмни Мамараим, бу ҳам узун туюлиб Мараим деймиз. Ёки хоразмлик Марим деб қўямиз. Анжан, Ангрен, Бувайди, Риштон, Хўжаландарбува... руйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бу номлар асл маъносини йўқотиб бўлган". Ҳақиқатан ҳам ўйлаб кўрсак, истеъмолда кўплаб мана шундай асл маъносини йўқотган сўзлар борлигини кўрамиз. Ёшлар, тенгдошларимиздан сўрасак, кўплари асл маъносини айтиб беролмайди. Ахир, тил, сўз инсонга фақатгина ўз манфаатларини қондириш учунгина эмас, балки ўзидаги фикр-ўй, туйғуларини келажак авлодга етказиш учун ҳам берилган-ку!




Шундай экан, нега унинг софлигини сақлаган ҳолда қўлламаслигимиз керак? Сўз ҳам, тил ҳам аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган катта меросдир. Мерос бўлганда ҳам омонат меросдир. Сўз, менинг назаримда, тирик жондай, ўз ўрнида қўлламасак, унинг ҳам жони оғрийди. Ўринсиз қисқартиришлар, тирик кабутарнинг қанотлари, патларини юлиш билан баробардир.

Бир куни интернетдан маълумот қидираётиб бир мактабнинг она тили ўқитувчиси томонидан ёзилган, "Ўзбек тили — миллатимизнинг фахридир" деб номланган тадбир сценарийсига кўзим тушди. Унда тилимизнинг бойлиги, жозибаси, нозик ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз борган ва ҳар доим уни тўғри қўллашимиз, софлигини сақлашимиз керак деган даъват билан тугатилган. Бироқ сценарийни биринчи варағига қарасангиз, катта қилиб, *"Табир сценарийси"* деб ёзиб қўйилган сўзга кўзингиз тушади. Унда *"Ў Қ Х Ғ"* харфлари русча шрифтда шундай *"У К Х Г"* тарзида ёзилган. Қатор ҳолларда айириш — "ъ" белгиси юмшатиш — "ь" белгиси билан алмаштириб юборилган. Буни қарангга, тил коидаларига риоя қилиш, саводхонлик тўғрисидаги сценарийда шунча хато бўлса? Буни кўриб, қандай хулоса чиқариш мумкин?

Маърифатпарвар адибимиз Абдулла Авлоний: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмокдир", деб бежизга айтмаган.

Қаранг, бугун дунёда 5621 та тил мавжуд. Энг ташвишланарлиси, шулардан 1400 та тилнинг йўқолиб кетиш хавфи бор. Жаҳондаги мана шу мавжуд тиллардан фақат қирқтасигина ёзма ва оғзаки жиҳатдан мукаммал шаклланган ҳисобланар экан. Уларнинг ичида ўзбек тилининг ҳам борлиги, албатта, ҳар биримизга чексиз фахр ва ифтихор бағишлайди. Тилимизни ҳозирдан асраб-авайламасак, унинг қонун-қоидаларига риоя қилмасак, софлигини сақлай олмасак, бора-бора унинг қадр-қимматини йўқотиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Аждодларимиз томонидан яратилган ўзбек тили асрлар оша ривожланиб, янада сайқалланиб, юксак маданий тилга айланганлиги ва ўзининг тарихийлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Сўзлашув тилимизнинг бугунги ҳолатига қарасак, унчалик ҳам кўнгилдагидек эмас. Тилни қўллаш жараёнидаги хатолар ҳақида гап кетганда ёшларнинг ўзаро ёзув орқали ахборот алмашиш майдони бўлган ижтимоий тармоқлардаги ғализликларни тилга олмай иложимиз йўқ. Лекин нафақат ижтимоий тармоқларда, балки кундалик ҳаётимизда ҳам бундай хатолар ошдан чиққан тошдек тишимизга тегади. Тилимиз хусусида сўзлаш, мавжуд хатолар ҳақида бонг уриш учун маълум санани кутиш, бу кун ўтгач эса хатоларимиз ўз ўрнида давом этиши кўнгилга ғашлик солади. Ахир ўзбек тилининг софлиги учун курашиш мавсумий эмас, у фақат маълум зиёлиларнинг иши эмас-ку!

Шунга қарамай, "кўча шеваси" эфирларда, қўшиқларда, ижтимоий тармоқларда потраб ётибди. Телекўрсатувлар титрлари, интернет сайтларида кетаётган хатолар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Техника тараққиёти, тиллар орасидаги муносабат янги-янги сўзларни истеъмолга киритди. Ҳар куни телефонларимизга келаётган СМС хабарларини ўқиб, ундаги хатоларни кўриб, эсинг кетай дейди. Кўча-кўйда "Фотогириф хизмати"га ҳам, "Минг хил турдаги обойлар"га ҳам, "ошхона, дориҳона", "Калла почча"ларга ҳам дуч келасиз.

Кўпчилик бугунги хато ёзишларга, ёзишмаларга икки ёзувга эгалигимизни рўкач қилади. Бу бир баҳона, холос. Ўрганишни, тўғри ёзишни истаган одамга имконият жуда кўп. Масалан, бир онахон невараларига дарс қилдириш учун лотин ёзувини мукаммал ўрганиб олибди. Энди унинг невараларини икки ёзувда ҳам тўғри ёзишади. Чунки бувижонларнинг меҳр билан ўргатишларида гап катта. Яна бир она фарзандлари қўл телефонига хато хабар ёзса, жавоб бермаслигини айтган экан. Энди бу фарзандлар онасидан жавоб олиш учун ҳам тўғри ёзишга мажбур бўлишади. Бу ҳам тарбиянинг бир кўриниши. Онасидан тўғри ёзишни ўзлаштирган ёшлар ўртоқларига ҳам, бошқаларга ҳам тўғри ёзади, керак бўлса, ўзларига эргаштиради. Худди шунақа усулларни барчамиз ўзимиздан бошласак, тил муаммоси деган тушунча пайдо бўлмас эди.

Агар шифокор мен тилшунос эмасман деб, тадбиркорларимиз бу менинг ишим эмас деб, қурувчиларимиз эса бунга бош қотиришга вақтим йуқ, деб, хато ёзишга одатланадиган бўлса, у ҳолда ким тилимиз софлигини сақлашга хизмат қилади? Маънавият соҳасида ишловчи бир устозимиз, ҳатто бухгалтерия тўлов қоғозларида хатоликлар бўлса ҳам унга имзо қўймас, уни дарҳол тўғрилашни талаб қилар эди. Ана шундай талабчанлик бугун ҳар биримиз учун кундалик муҳим вазифага айланиши керак. Онага, Она Ватанга беҳурматлик қилган инсон катта гуноҳкор бўлади. Биз Она тилига ҳам ана шундай юксак ҳурмат ва эъзоз билан қарашимиз керак эмасми?

**Анора ҲОЖИМАТОВА,**
**Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси.**

**» Ватан ичра сафар**

Енгил машина Навоий вилоятига яқинлашгани сайин ҳавога кўтарилаётган илиқ ҳароратли ранго-ранг оқиш булутлар саноат корхоналарининг узлуксиз ишлаётганини англатиб турарди.

Навоий шаҳри ихчам бўлса-да, жуда кўркам, шаҳар аҳлининг маданий дам олишларига мўлжаллаб барпо этилган боғлар, хиёбонларда яратилган шароитлар, кўп қаватли уй-жойларнинг ўзига хос услубда қад ростлагани, мўъжаз кўчаларнинг равонлиги кўзни қувнатса, пиёдалар йўлкаси қоидаларига ҳайдовчи ва йўловчиларнинг қатъий риоя қилиши бу ерда тартиб-қоида амалда эканлигини кўрсатади.

Хизмат сафаримиз давомида Навоийдаги изчил ислоҳотлар кечаётганига гувоҳ бўлдик. Албатта, бу ерда республикамизга маълум бўлган бир қатор йирик саноат объектлари, жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати, “Navoiyazot”, “Qizilqumsement” сингари етакчи корхоналар фаолият юритади. Аммо биз вилоятдаги бошқа тизимлар – матбуот, адлия, таълим-тарбия муассасаларида олиб борилаётган янгиланиш, ўзгаришлар билан танишишни ният қилдик.



# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: ишончли ва ёруғ қадамлар



### ЯНГИЧА ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

**Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов** иш услубида янгича тадбир жорий этганини қуйидагича гапирди:

— Ушбу йилнинг августь ойидан бошлаб ҳокимлик вакиллари, ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирокида Пресс-тур (матбуот анжумани) ташкил этдик. Тадбирларда ташкилот раҳбарлари ўз фаолиятлари юзасидан ОАВ вакиллари билан фикр алмашади. Журналистлар соҳалар кесимида маълумотга эга бўлишади. Шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга бевосита мутасаддиларнинг ўзидан жавоб олиш имкони мавжуд. Бундай тадбирлар раҳбарларда журналистлар билан мулоқот ўтказа олиш, ахборот бериш кўникмасини шакллантиради.

— Вилоятимизда баъзан қурилиш ёки бузиш ишлари кутилмаганда бошланиб кетади, — дейди **вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Дилшод Мамаражабов.** — Табиийки, бу жараён кўпчиликда норозилик уйғотади. Навбатдаги Пресс-тур вилоят қурилиш бош бошқармаси билан ўтказилганда айни шу масала муҳокама қилинганидан хабарим бор. Натижада, ОАВ вакиллари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини тубдан янгилаш сари қадам қўйилаётганига гувоҳ бўлишди. Дейлик, Навоий шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган “Ёшлар хиёбони”нинг барпо этилиши олдидан бошланган бузилишлар ижтимоий тармоқларда анчагача танқидга учради. Бугунга келиб эса мазкур хиёбон, унинг тунги кўриниши гўзал манзара касб этгани, нафақат вилоятдошларимиз, балки воҳамизга ташриф буюрган меҳмонларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти.

Албатта, ОАВлари билан мамлакатимиздаги мавжуд расмий идоралар ҳамкорликда фаолият юритишсагина ижобий натижага эришиш мумкин. Бунинг учун, аввало раҳбар газета ўқиши, танқидий ёки ўта мақтов битилган мақолаларга ўз муносабатини билдириб бориши керак. Марказий нашрларга бармоқ учидан қараш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий юксалишларни хаспўшлаётган, тирноқ орасидан кир қидиришга интилаётган “куч”ларга катта майдон яратишини унутмаслигимиз лозим.

Демак, ОАВларига обуна бўлиш масаласи фақат таҳририятларда эмас, балки ҳукумат доирасида қўллаб-қувватланиши лозимлигини давр тақозо этмоқда.

### ДУНЁ ТАНИГАН, ТАН ОЛГАН ЮРТИМИЗ БОР

Бугунги кунда Навоий вилоятига “Эркин иқтисодий зона” мақоми берилгани хориж инвесторларида ўзгача қизиқиш уйғотди. Айни пайтда вилоятга ташриф буюраётган чет эллик инвесторлар оқими кучайгани мавжуд меҳмонхоналарда тўлов нархи хориж валютаси курсида белгиланганидан ҳам сезилди.

— Маълумки, Конимех чорвачиликка ихтисослашган туман эди. Яқин йиллар ичида саноатлашган ҳудудга айланади, деб ҳеч ким ўйламаганди, — дейди **вилоят ҳокими ўринбосари Фахриддин Солиев.** — 2019-2020 йилларда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 25 та лойиҳа амалга оширилади. Маҳаллий тадбиркорларнинг ташаббускорлиги ошаётгани, туманга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилгани натижалар режадан кўра салмоқли бўлишини ваъда қилмоқда. Хусусан, бугунги кунда вилоятимизга Канада, Украина, Греция, Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларнинг бир қатор компаниялари музокаралар олиб бориш учун ташриф буюришди.




Айни пайтда Конимех туманида ўз фаолиятини бошлаган “Konimex Nasl Chorva” МЧЖ бунга мисол бўла олади. Мазкур жамият Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси ҳисобланиб, лойиҳа қиймати 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда корхонада 121 бош “Голштейн” зотли қорамол парваришланмоқда. Яқин келажакда қорамоллар сонини мингтага етказиш ҳамда хўжалик қошида сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш цехини ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу мақсадда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, бугун дунё тижоратчилари мамлакатимизга бежизга интилаётгани йўқ, уларнинг мақсади янги бозорда ўзининг қўшимча ишлаб чиқаришини ташкил этиш, эвазига мўмай даромад кўриш экани маълум. Шундай экан, бундан аввал ЛУКОИЛ сингари хориж инвесторлари билан тузилган шартномалардаги хатолик рўй бермаслиги учун эндиги ўзаро битимларда заррача камчиликка йўл қўймаслик зарур эканлигини давр исботлади. Пухта режа асосида эртанги кун истиқболини яратиш ҳам фарз, ҳам халқимиз олдидаги қарзимиздир.

Шу кунларда дунё инвесторларининг маълум қисми вилоятдаги шарт-шароитлар билан танишиш, ўз лойиҳалари асосида ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдиришаяпти. Мазкур йилнинг 8 октябрида Ҳиндистоннинг “Delhi International Airport limited” (DIAL) компанияси тижорат директори Санжив Эдвард билан Навоий вилояти ҳокимлиги мутасаддилари ўзаро ҳамкорлик тўғрисида суҳбат ўтказишди.

Мазкур компания аэропортлар ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари, автомагистраллар қуриш ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, шаҳар инфраструктурасини янги шаклда барпо этиш лойиҳаларини амалга оширади. Бу компания дунёдаги йирик тижоратчи корчалонлар орасида тўртинчи ўринни банд этиб турибди. DIALнинг Непал, Индонезия, Сингапур, Филиппин ва Греция сингари мамлакатларда фаолиятдаги активлари ва лойиҳалари мавжуд.

Санжив Эдвард жаноблари Навоий халқаро аэропорти ва Халқаро интермодель логистика маркази билан танишаркан, ўзаро ҳамкорлик қилишдан мамнун эканини билдирди. Вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар бу юртнинг пойдевори мустаҳам, келажаги барқарор эканини англатади.

— Бугунги кунда вилоятнинг барча туманларида хорижий инвесторларни учратиш мумкин. Улар, асосан, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш, уларни энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаш лойиҳаларини тақдим этишмаяпти, — дейди Ф.Солиев. — Шунингдек, қуритилган мева маҳсулотларини қайта ишлаш, пахта толасидан турли кийим-кечаклар тайёрлаш ҳамда саноатнинг бошқа соҳаларига ҳам инвестиция киритишга тайёр эканини билдиришаяпти. Вилоятимизда хорижлик ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишига барча қулайликлар яратилган.

### ТАРОЗИНИНГ АДЛ ПАЛЛАСИ

**Шерзод БАҲРОМОВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғи:**

— Президентимизнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ички тартибда иш режа ишлаб чиқдик. Белгиланган вазифаларни адолат тарозисига қўйиб, холис амалга оширишда аҳоли билан Навоий телевидениеси орқали қилинаётган жонли мулоқот асқотаяпти. Бундан ташқари, “Адлия минбари” телекўрсатуви жонли тарзда эфирга узатилаяпти. “Шахс – оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият” тизимида ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Албатта, Адлия тизимида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, одамларни рози қилиш бош масала ҳисобланади. Шу кунгача ташкилот ва идораларга 105 та тақдимнома, 24 та маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритилгани, тақдимномаларга асосан 72 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, 2 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани соҳада амалий ишлар қилинаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, 23 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, судларга киритилган 7 миллиард 400 миллион сўмга яқин даъво аризалари қаноатлантирилган. Шундай пайтда тарозининг адл палласи кимнинг қўлида эканлиги билиниб қолади.

— Бизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратилади, уларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш чоралари кўрилиб, эътибор такрорий мурожаатларнинг олдини олишга қаратилади, — дейди Ш.Баҳромов.

### ТАЪЛИМ ЯНГИЛАНИШ ПАЛЛАСИДА

**Нурбек УЛУҒБЕРДИЕВ, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи:**

— Навоий вилоятидаги таълим-тарбия муассасаларида ўқиш 5 тилда, яъни ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ ва тожик тилларида олиб борилади.

2018 йил якунида маҳаллий бюджет қўшимча орттирилган маблағлар ҳисобидан мактабларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлаш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 39,3 млрд. сўм ажратилган ва бу кўрсаткич Республикада ҳар бир ўқувчига ажратилган маблағлар бўйича вилоят ҳокимлиги энг юқори рейтингни эгаллади.

Бошқарма ташаббуси билан шаҳар ва туманларда “Иқтидорли ёшлар клуби” ташкил этилди. Клубга иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи-ёшлар қамраб олинди. Натижалар эса ёмон эмас — 2019 йил 30 майда умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган “Энг обод мактаб” танловининг Республика босқичида Навоий шаҳар 13-умумий ўрта таълим мактаби ғолиб бўлди. Шунингдек, аниқ фанлар олимпиадасининг Республика босқичида Навоий шаҳар 8-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси Паризода Ахатова Рус тили ва адабиёти (миллий синфларда) фанидан 1-ўринни, Хатирчи туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси Дурдона Олимова Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан 2-ўринни, Учқудуқ тумани 9-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси Гулперизат Қонарбаева Қозоқ тили ва адабиёти фанидан 3-ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, 2019 йилнинг январь ойида Қозоғистонда Жаутиков номидаги 15-Халқаро олимпиадада Зарафшон шаҳар 12-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Солибой Раззоқов физика фанидан иштирок этиб, 3-ўринни эгаллади ва бронза медали соҳиби бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоятимизда таълимга алоҳида эътибор қаратилган, иқтидорли, яъни барча фанларни аъло ўзлаштирган ўқувчилар тақдирланиб келинади. Бу ўқувчи-ёшларнинг ўтилган дарсларни ўзлаштиришида кўтаринки кайфият бағишлайди.

### БИЗДА КУЧЛИЛАР ТАРБИЯЛАНАДИ

— Бизда спорт турлари бўйича федерациялар сони 44 та бўлиб, 23 та олимпия, 5 та миллий ва 16 ноолимпия спорт турлари бўйича 632 та мураббийлар машғулотлар олиб боришади. Мураббийларнинг 186 нафари аёл мураббийлардир, — дейди **вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Шаҳло Нарзиева**. — Секцияларда спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 90647 нафарни ташкил этди.

Мен фахр билан айтишим мумкин, ушбу йилнинг 9 ойи давомида вилоятимиз 18 марта Республика чемпионати ва кубокларига мезбонлик қилди. Бунга сабаб, вилоятимизда спорт мусобақаларини ўтказиш ўйингоҳлари талабга жавоб бера олишини доим назорат қиламиз. Йил бошидан 986 та оммавий спорт тадбирлари ўтказилган бўлса, унда иштирок этган 114092 нафар ёшларнинг шикаст топмаслиги, биринчи навбатда, эътиборимизда бўлди.

Бизни қувонтиргани спортчиларимиз Жаҳон чемпионатида 29, Осиё чемпионати ва кубокларида 71 та, Халқаро спорт мусобақаларида 94 та, Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва кубоги мусобақаларида 725 та медални қўлга киритган бўлса, шундан 195 та олтин, 206 та кумуш, 324 та бронза медалларидир.

### БОЛАЛАРГА БЕРИЛГАН ДУНЁ

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонидаги белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Қизилтепа туманида йил якунига қадар кичик бизнес субъектини 1007 тага, қўшма ва хорижий корхоналар сонини эса 20 тага етказиш устида иш олиб борилаяпти.

Туманда бўлганимизда бизнинг эътиборимизни Давлат хусусий-шерикчилик асосида қад ростлаётган мактабгача таълим муассасалари ўзига тортди. Уларнинг сони ҳозирча тўртта экан. Мазкур болалар муассасасида яратилган шароитлар кўнгилни қувонтиради. Болаларнинг баркамол руҳда тарбия топишида махсус тарбия маскани ўқув-ўзлаштирув, расмчилик, каштачилик, бадиий гимнастикаси хоналари керакли қўлланма ва шуғулланиш ускуналари билан жиҳозланган. Ташқи ҳовлиси камалак рангда товланувчи болалар ўйингоҳи, фаввора ва ландшафт билан безатилгандир.

— 2019 йил 11 октябрда туманда яна бир давлат хусусий-шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти очилди, — дейди **Қизилтепа туман Мактабгача таълим бўлимининг Давлат хусусий-шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси методисти Зулхумор Исмоилова.** — 75 ўринга мўлжалланган ушбу маскан “Camomile” (инглиз тилидан таржима қилганда “Бойчечак” маъносини беради) деб аталади. Бундан Маликобод аҳлининг қувончи чексиз. Сабаби, тадбиркор Сарвиноз Раҳмонова томонидан ишга туширилган “Camomile” болалар боғчаси ўзига хос дизайн услубида барпо этилди. Бу ерда болалар ўзларини эркин ҳис қилиши, ҳар бир дақиқаларни мазмунли ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Боғча ўқув ва машғулотлар ўтказиш учун керакли хоналар ва жиҳозлар билан таъминланди, рассомчилик, интеллектуал шоу ўйинлари ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказилади. Ювиниш хоналари, баскетбол ва футбол ўйингоҳлари, бассейн ва аттракцион майдончалари мавжуд.

Қизилтепа туманида барпо этилаётган шинам ҳамда замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган ДХШларида билим ва тарбия олган болажонлар кун келиб, юрт равнақига ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишиб чиқишига ишончимиз ортди. Бу ерда таълим ўзбек тилидан ташқари, инглиз ва рус тилида ва ментал арифметика ўргатилади. Бадиий гимнастика тўгараги ташкил қилинган.

### ЯНА НАВОИЙ ЭЪТИРОФДА

Мамлакатимизда мактабгача таълим соҳаси ривожига жиддий эътибор қаратилаяпти. Замонавий услубда барпо этилаётган болалар боғчаларида тарбияланаётганлар нафақат она тили қоидаларини, балки, инглиз, рус ва бошқа тилларни ҳам ўрганишаяпти.

Навоий вилоятида қад ростлаётган ҳукуматга қарашли ва давлат хусусий-шерикчилик, нодавлат — хусусий боғчаларига вилоят аҳолиси ўзгача ҳурмат билан қараётганида сабаб бор, албатта. Кун тартибига киритилган машғулотлар ўз касбининг билимдонлари томонидан олиб борилади. Соҳа мутахассислари тил ўргатиш, расмчилик, кубиклардан турли шакллар ясаш соатларида болаларга болаларча муносабат билдиришади, яъни уларнинг онги қабул қила оладиган ўқитиш, ўргатиш услубидан фойдаланишади.

Мисол учун, Навоий шаҳри-



даги 26-сонли “Турнахон” мактабгача таълим муассасаси тарбияловчиси Мавлуда Кубаева наинки, вилоятда, балки республикада ҳам етакчи-тарбиячи эканини исботлади. У ушбу йилнинг август ойида ўтказилган “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” кўрик-танловининг Республика босқичида “Энг ижодкор тарбиячи” номинацияси йўналишида 1-ўринни қўлга киритди.

— Албатта, бундан бутун жамоамиз билан биргаликда фахрландик. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ичида бизнинг вилоятнинг эътироф этилиши қанчалик ҳаяжонли эканини юрак-юракдан ҳис қилдик. Ахир бундан фахрланмай бўладими?! — дейди **Навоий вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ўткир Тиллаев.**

Вилоятнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораяпти. Эришилаётган муваффақиятларда ҳудудда саноат корхоналарининг тез тараққий этаётгани, хориж технологиясининг энг замонавий ускуналари ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётгани, қолаверса, хомашёдан тайёр маҳсулотни четга экспорт қилиш имконияти ошгани ҳам мадад бўлмоқда.

Маҳаллий буюджетга тушум кўпайса, одамлар турмушида фаровонлик бўлади. Оиладан хотиржам одам жамият ҳақида ўйлай бошлайди. Халқимиз болажон бўлгани учун, биринчи навбатда, мактабгача таълим тизимига, мактабга маблағ йўналтиради. Вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотларининг ютуғи ҳам ана шунда.

— Мен ғолиб бўламан, деб ҳеч ўйламаган эдим. Танловда иштирок этаётганларнинг барчаси ғолиб бўлишга лойиқ эди. Саҳнадан туриб, исми шарифимни ўқишганида ҳаяжондан йиғлаб юбордим. Ҳали-ҳали эсласам, кўзимга ёш келади. Давлатимиз бизларнинг етакчи тарбиячи бўлишимиз учун барча шароитларни яратиб қўйган. Фақат биз ўз устимизда ишлаб, болажонларни ўз боламиздек кўриб, таълим-тарбия беришимиз керак, — дейди “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” **Республика кўрик-танлови ғолиби Мавлуда Кубаева.**

**Юсуф ЖЎРАЕВ,**
**Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**“Hurriyat” мухбирлари.**
**Сирож АСЛОНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

**Фармацевтика**

Инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун. Соғлом инсонгина жамиятда ўз ўрнини топиб юртга, халққа наф келтиради. Ушбу масала ҳамиша давлатимиз ва ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида.

# Қарор ижроси қай аҳволда?

Президентимизнинг 2018 йилнинг 14 февралида "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Соҳа ходимлари мазкур қарор ижросини таъминлашга якдиллик билан киришиб, ўтган йилнинг март ойиданоқ, туман тиббиёт бирлашмаларига қарашли оилавий поликлиникалар, қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари биноларида янгитдан 88 та ижтимоий дорихоналар ташкил этди. Вилоят миқёсида олдиндан фаолият юритиб келаётган 114 та дорихона ҳам ижтимоий дорихоналарга айлантирилиб, улар сони 202 тага етказилди.

— Дори воситаларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, 20 дан ортиқ "Damas", "Isuzu" русумидаги автоуловлар жалб қилинди. Вилоят радиуси бўйлаб, чекка ҳудудлар — Ромитан туманининг "Яхшиобод", Пешку туманининг "Варахша", "Жонгелди", Ғиждувон туманининг "Кўкча", "Оғитма" аҳоли пунктларида дори воситалари ва тиббий буюмлар савдосини амалга ошириш йўлга қўйилган. Битта "Isuzu" автофургони ва 12 та "Damas" автомобили базасида ташкил қилинган "Кўчма дорихона" шохобчалари белгиланган график асосида ишлай бошлади, — дейди "Бухоро дори-дармон" масъулияти чекланган жамият раиси Дилмурод Ахатов. — Сир эмаски, ҳар бир корхонанинг "нафас олиши" иқтисодий аҳволи билан баҳоланади. Айниқса, тиббиёт тизимида. Чунки беморлар саломатлигини сақлашда, уларнинг умрини узайтиришда дори воситаларининг сифатлилиги ҳамда зарур пайтда етказиб берилиши муҳимдир.

"Бухоро дори-дармон" МЧЖнинг (2017 йил 1 август ҳисобида) чет эл дори ишлаб чиқарувчи корхоналардан қарздорлиги 630 756.68 АҚШ долларни ташкил этарди. 2018 йилда жамиятимизда аниқ ва мақсадли стратегия белгилаб олингандан сўнг ушбу қарздорликка барҳам берилиб, корхона йилни фойда билан якунлади. Жамият маъмурий биноси таъмирдан чиқарилди. Вобкент туманида янги замонавий ижтимоий дорихона қурилди. Қоракўл туманидаги 5-сонли марказий дорихона капитал таъмирланди. Бугунги кунда ижтимоий дорихоналарда накд пул тушумини ошириш мақсадида Бухоро, Қоракўл туман тиббиёт бирлашмалари ҳудудидан дорихоналар қуриш учун ер майдони ажратиш учун, туман ҳокимларининг қарорлари асосида, ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

— Ижтимоий дорихоналарда бугун малакали провизор, фармацевт ҳамда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари фаолият юритмоқда. 45 нафар ўрта маълумотли тиббий ходим фармацевтика йўналиши бўйича малака оширди. Ижтимоий дорихоналарнинг қишлоқ жойларида ташкил этилиши натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Уларда бўлиши мажбурий бўлган 32 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар билан тўлиқ таъминланган, — дейди жамият раиси Дилмурод Ахатов сўзини давом эттириб. — Ижтимоий дорихоналар фаолиятини бугунги кун талабига мос келадиган даражада олиб боришда жамият олдида кўндаланг бўлиб турган муаммолардан бири яна шу маблағ масаласи. Президентимизнинг мазкур тармоқни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қувватлаган ҳолда ташкил этилган ижтимоий дорихоналарни дори-дармон билан таъминлаш учун паст фоизли ва узоқ муддатли кредитларга эҳтиёж сезмоқдамиз. Ўйлаймизки, соҳага дахлдор бўлган мутасадди вазирликлар бир тўхтамга келишади...

Дарвоқе, мазкур корхонанинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига тўсқинлик қилиб, этагидан ортга тортаётган нарса корхонанинг дебиторлик қарздорлиги экан. Ушбу масъулияти чекланган жамият билан имзоланган ўзаро шартнома асосида ҳамкорлик қилаётган корхона ва ташкилотлар олган дори-дармон маҳсулотларининг маблағи тўловини ўз вақтида амалга оширсалар, шак-шубҳасиз, мазкур корхона янада оёққа туради, иқтисодий ривож топади. Янги-янги иш ўринлари яратишга эришиш билан бирга, тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланган бўларди.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

**Маҳорат мактаби**

Устоз, мураббий, ўқитувчи дея таъриф этилган инсонлар жамиятнинг келажаги ва ишончи бўлган ёш авлодни тарбиялайди. Мамлакатимизда ўқитувчи касбига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани шундан. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида янги босқич бошланди.

# Ўқитувчилик шарафли касб, аммо...

Энди ўқитувчи имтиёзли равишда уй ва машина олиши мумкин. Президентимизнинг "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўқитувчилар учун жуда кенг имкониятлар яратди. Эндиликда, билимларимизни янада ошириб, юксак маънавиятли, қатъи ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш асосий вазифамизга айланиши керак.

Ҳар қандай одам ўқитувчи бўла олмаслигини ҳаёт тажрибаси кўрсатмоқда. Бу касбни эгаллаш учун кишида қобилият, муайян ижтимоий-психологик малака ва маълум тайёргарлик бўлиши лозим. Аслида, ўқитувчилик касбига ҳавас боланинг ёшлик давридан уйғонади. Йиллар давомида ушбу касбнинг талаблари, мураккаб томонлари, машаққатлари уқтириб борилади.

Ҳозирги давр ривожланишида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Ахборот оқими ниҳоятда кучайган, фан соҳасида муттасил янгиликлар юз бераётган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда ўзгаришлар бўлиб турган даврда яшаётганлигимиз ҳар бир кишидан фаоллик, эътибор, воқеа ва ўзгаришларга зиёли даражасида муносабат билдиришни талаб этади. Айниқса, ахборот олиш имкониятларининг кенгайганлиги, яъни оммавий ахборот воситаларининг ниҳоятда кўпайгани, интернет орқали мулоқот жараёнининг шиддат билан ривожланаётганлиги ўқитувчининг ўз устида доимо ишлаб, билимини ошириб бориши лозимлигини кўрсатади. Акс ҳолда, барча ахборот коммуникация имкониятларидан бемалол фойдаланаётган ўқувчиларнинг талабига жавоб бериш қийин кечади, энг муҳими, ўқитувчи ўз обрў-эътиборини йўқота бошлайди.

Афсуски, олий ўқув юртида олган билими билан чекланаётган, билим доираси дарсликдан нарига ўтмайдиган, янгиликларга бефарқ, ўз устида ишламайдиган ўқитувчилар ҳам орамизда бор. Бундай ўқитувчи ўз ўқувчиларидан орқада қолади.

Ўқитувчининг билим савияси унинг педагогик маҳорати орқали юзага чиқади. Шунинг учун маҳоратни, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликларни дарс жараёнида қўллаш, пухта ўзлаштиришга эътибор бериш лозим.

Педагогик амалиётнинг самарали бўлиши етарли салоҳиятга эга бўлган ўқув масканларини танлашга ҳам боғлиқ. Малакали, тажрибали устозлар фаолият кўрсатаётган, замонавий техник ва бошқа воситалар билан жиҳозланган билим масканларида амалиёт ўташ бўлажак ўқитувчи учун муҳим босқич ҳисобланади.

Педагогик маҳоратнинг яна бир кўрсаткичи нутқ маданиятидир. Сўзни ўз ўрнида қўллаш, мантиқли ва изчил жумлалар тузиш, матнни боғлаб баён қила олиш қобилияти энг зарур сифатдир. Бунинг учун ўқитувчи ўз нутқи устида муттасил ишлаши, қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратини эгаллаши зарур. Афсуски, бўлажак ўқитувчиларнинг айримлари нутқ маданиятининг оддий қоидаларига риоя этмаётганлиги, нутқи устида ишламаётганлиги учун амалиёт даврида анча мураккаб вазиятларга тушиб қолмоқдалар.

Ўқитувчи жамиятнинг зиёли инсони сифатида оммавий ахборот воситалари, яъни газета ва журналларни доимий мутолаа қилиб бориши, радио тинглаши ва телекўрсатувлардан хабардор бўлиши, шунингдек, интернетдан фойдаланиши ҳам ниҳоятда муҳим. Булар ўзига хос ахборот манбаи сифатида ўқитувчининг жамият ҳаётидан хабардорлиги, ўзгаришларни тезда англаб олиши, жамият турмушидаги ислоҳотларни ўқувчиларга тўғри етказиб бериши муваффақиятда асосий манба ҳисобланади.

Устозлар турмушидан ўрнак олиб, муаллим аввало ўз оиласидаги мавқеи ва ҳурмати билан ҳам элга ўрнак бўлиши лозим. Маънавий гўзал, ахлоқи пок, таълим ва тарбияни чуқур эгаллаган ўқитувчи фақат ўз оиласининггина эмас, балки ҳамма ота-оналарнинг ҳам энг яқин маслаҳатгўйи ва содиқ дўстига айланади.

**Гулшод ШАРИПОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги 54-умумтаълим мактаби директори.**
**Ирода ОРИФЖОНОВА,**
**мактабнинг иқтисод ва география фани ўқитувчиси.**

Реклама ҳуқуқи асосида



**» Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги**

Бу воқеага 30 йилча бўлди. Унда юртимиз ҳали мустақилликка эришмаган, аммо собиқ Иттифоқнинг курсисига зил кетиб, “қайта қуриш, қайта бузиш”, деган давр кечаётган паллалар эди.

# Улуғ адибнинг сўнгги манзили...

(“Ўйлаб топилмаган ҳикоялар” туркумидан)

Ўшанда пойтахтдаги энг муҳташам томошагоҳларнинг бирида Абдулла Қодирий таваллудига тўқсон беш йил тўлиши тантанали нишонланаётган эди. Томошахона одамлар билан лиқ тўла, “дангира-дунгур”у, “гумбура-гумбур” авжида. Улар орасида атоқли адибимизнинг ҳақиқий мухлислари қанча-ю, шунчаки томоша учун келганлари қанча — билиш қийин. Аммо марҳум адиб аза-туйининг тўрида — саҳнани тўлдириб кўр тўкиб ўтирганлардан икки-уч чин қалам аҳли-ю, уч-тўрт меҳмонни истисно қилганда, қолганлари шунчаки — хизмат юзасидан келганлар. Яна рўйхат бўйича таклиф этилган казо-казолар. Яна адибни тириклигида туртганлар қолмаган бўлса-да, унинг гўрига бир замонлар роса ғишт қалаганлар ҳам бор эди. Таассуф. Кўра-била туриб оқни қора, ҳақиқатни ёлғон қилиб кўрсатувчилар, эзгуликни ерга уриб, ноҳақликка қуллуқ қилувчилар, ичи қора ҳасадгўйлар ва ҳоказо... Улар “замона ҳалиям бизники, хўш, сенларнинг қўлингдан нима келарди?” дегандай пастдагиларга, оддий одамларга юқоридан гердайиб, кўзойнакларини ялтиратиб қарашар, ўз суянчиқлари — ўртани эгаллаб олган мустабид мафкура амалдорларига ялтоқланишарди. Шу топда хаёлимдан кечган ўйга қаранг, мабодо мўъжиза юз берса-ю, маслагу имонда собит Абдулла Қодирий тирилиб бу ерга келиб қолса ва ўз тўйида ўтирган бу имони суст “зот”ларни кўрса борми, изларига шартта қайтворган бўлармидилар...




Лекин ҳар қалай, таваллуд тўйи, келган меҳмонни “кет”, деб бўлмайди, бунинг устига адибнинг бу сафарги таваллуд куни яхшилаб “уюштирилган”. (Адибни отган мустабид тузум бу билан гўё ўз айбини “ювиб” юбормоқчидай...) Адибнинг минбарга чиқиб бўзлаган бир-икки мухлисларидан кейин бошланиб кетган турли “табрик”лар, “гулдурос қарсаклар” тугагач, унинг ҳаёт қолган якка-ю ягона ўғли Маъсуд ака сўз олди. Унинг гаплари сал бошқачароқ чиқди. “Мен отам отиб ўлдирилган жойни узоқ излаб, охири топдим, — деди Маъсуд ака. — У Бўрижар ариғининг нариги томонидаги бир тепалик экан. Ўттизинчи йилларда бу ерга кечалари кимларнидир олиб келиб отишларини кексалар билишар экан, ҳаттоки, уйи шу тепаликка яқинроқ бўлганлар “оҳ-воҳ” овозларини ҳам эшитишаркан. Эрталабга бориб қарашса, наридан-бери кўмиб кетилган дўнгликлардан отилган одамнинг қўли ё оёғи чиқиб қолган бўларкан, унинг устига тупроқ тортиб, марҳумнинг руҳига бир пора қуръон ўқиб, дуойи-фотиҳа ҳам қилиб қўйишаркан... Мен отамни отган одамни ҳам излаб-излаб топдим, ҳозир нафақахўр экан. Ундан: “Менинг отам ўлими олдидан нима деди, шуни айтиб беринг”, десам, у киши: “Айтолмайман, бу — секрет”, дейди. Ахир, менинг отам бегуноҳдан-бегуноҳ отилган бўлса, орадан шунча йил ўтган бўлса, бунинг яна нимаси “сир” бўлиши керак?” Маъсуд аканинг гапларини эшитиб, “Э, Худо, бундай гапларни шу қадар босиқлик, дардини ичига ютиб, кўзлари ёшланмасдан айта олган одамга ўзинг тўзим бер!”, дейсан киши беихтиёр. Маъсуд ака ҳайъатда ўтирган амалдорларга мурожаат қилиб: “Илтимос, отамнинг охирги сўзларини билиб беринглар”, деди. Ҳайъатдагилар эса инсон боласи тоқат қилолмайдиган бундай дил ноласига ўзларича “чуқур маъноли” бош қимирлатиш билан жавоб қилдилар.

Кейин саҳнада чилдирма “гижбанг”лаб, раққосалар хиром қила бошлашди. Энди таваллуд тўйининг “бадиий қисми” бошланган эди. Аллақайси санъаткор Абдулла Қодириймми, ё Отабекми бўлиб чиқди, кимдир унинг “ёр”и бўлди, хуллас, бўяма-бежама, чучмал ашула-ю рақслар авжига чиқди, томоша ишқибозларига Худо берди.

Саҳнадаги ўйин-кулги энди бошланган эди ҳамки, мен Маъсуд аканинг ташқарига чиқиб кетаётганини кўриб қолдим. Адибнинг катта ўғли — Ҳабибулло ака билан яқин эдим, Маъсуд акани гарчи билсам ҳам шахсан танишлигим йўқ эди. Шундай бўлса ҳам унга шу топда нимадир дегим келди-ю, орқаларидан чиқдим. Қарасам, у киши кийимлар ечиб қолдириладиган жойга қараб юрдилар. Ҳа, турган гапки, отиб ўлдирилган отага бағишланган бунақа “гиж-баданг” томоша унинг кўнглига сиғмасди. Мен қадамимни тезлатиб у кишига етдиму, Маъсуд акани тўхтатдим, кейин, аниқ эсимда йўқ, товушим оғзимга тиқилиб: “Маъсуд ака, шундай оғир гапларни айта олганингиз учун сизга минг раҳмат, отангизнинг руҳи-поклари қўлласин”, дегандай гап қилдим. “Раҳмат”, дедилар Маъсуд ака худди отасиникига ўхшаган тим-қора, тийрак кўзларини менга тикиб. Бу ёғи — касбим матбуотчилик эмасми — мен у кишидан ўша машъум тепалик қаерда эканини сўрадим. У киши ўша тепалик Юнусобод томонда, Бўрижар ариғининг нариги қирғоғида эканини, номини эса “Б...тепа” дейилишини айтди. (Ҳайҳот, қарангки, ўша даврда бу тепаликда бегуноҳларни отиб ташлаб, яна устига шаҳар ахлатларини ҳам ташлашар экан. Шунинг учун бу ер шундай деб аталар экан). Мен у тепаликнинг ҳозир бор-йўқлигини суриштирдим. Маъсуд акага менинг кетма-кет шитоб билан савол беришим унча ўтиришмади, шекилли, қошларини бир чимириб олдилар, кейин тепаликнинг тупроғини олиб, ундан шу йўлнинг бу ёнидаги хумдонда ғишт ясалганини айтиб бердилар. “Аммо ўша тепаликнинг тупроғи ғишт ясаш учун ярамабди, суйилиб кетаверибди, шунда бир машина тупроқни ўша тепаликдан, бир машинани эса бошқа тепаликдан олиб, аралаштириб кейин ғишт қилишган эканлар...” Суҳбатимиз нима билан тугагани аниқ эсимда йўқ, мен Маъсуд аканинг қўлларини сиқдим, нималардир яхши тилаклар тиладим.

Эртасига эса атайлаб ўша, Маъсуд ака айтган тепаликни кўргани бордим. Аммо у тепаликдан ному нишон қолмаган, йўлнинг чап томонидаги ғишт хумдони ҳам йўқ эди. Абдулла Қодирий хоки аралашиб кетган тупроқдан ясалган ғиштлар...

Бу воқеадан кейин мен “Шаҳидтепа қаерда?” деган мақола ёздим ва унда Маъсуд акадан олган маълумотларим, ўзим бориб суриштирганларим асосида Абдулла Қодирий, Чўлпон ва ўттиз еттинчи йилнинг бошқа сиёсий қатоғонлари қатл этилган жой Бўрижар ариғи ёнидаги тепаликда эканлигини маълум қилдим. “Туркистон” газетасининг (ҳозирги “Ёшлар овози”) 1992 йил 1 апрель сонида босилиб чиққан бу мақола мазкур масала ҳақидаги биринчи маълумот эди. Кейинчалик бу ерда ҳозирги “Шаҳидлар хотираси” мажмуи қурилди.

Ҳа, айтгандай, Эски шаҳарнинг Жангоб мавзеидаги кейинроқ Абдулла Қодирий номи берилган боғда ёзувчининг ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкалтарош ўз асарини бу зотнинг фожиали қисмати қандай якун топганини яхши билиб, англаб яратибди. Адиб ғиштлар ичидан йиғламсираб чиқиб тургандай, яъни ҳаққоний тасвирланибди...

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ёзувчи.**

**» Жаҳонда нима гап?**

## ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



**Калифорния губернатори Гэвин Ньюсом табиат ёнғинлари сабабли бутун штат ҳудудида фавқулодда ҳолат эълон қилди.**

«Бутун штат бўйича фавқулодда ҳолат режимини эълон қилдим. Биз бу ёнғинлар ва кучли шамол билан курашиш учун барча имкониятларни ишга соламиз», — деб ёзди «Ньюсом Twitter» саҳифасида.

Айни пайтгача фавқулодда ҳолат режими Лос-Анжелес ва Сонома округларида жорий этилганди.

Сонома округи шерифи офиси йирик табиат ёнғини сабабли 180 минг киши эвакуация қилинишини айтганди. Бундан ташқари, миллионлаб кишилар электр таъминотисиз қолди.

## ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ БЎЛИШИ МУМКИН



**Боливияда амалдаги президент Эво Моралес президент сайловининг биринчи туридаёқ ғалаба қозонди. Унинг асосий рақиби Карлос Меса сайлов натижаларини тан олмади.**

Боливия президенти Эво Моралес мухолифат кучлари келгуси ҳафтада мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширишга тайёргарлик кўраётганини айтди. Бу ҳақда «Ноу Bolivia» портали хабар берди.

«Огоҳлантириш... бутун Боливия халқига ва келаси ҳафтада давлат тўнтаришини амалга оширишга тайёрланаётган турли ижтимоий секторларга. Биз аллақачон хабардормиз», деди Моралес.

## ЭНДИ ҲУКУМАТГА АЁЛ КИШИ РАҲБАР



**Бельгия молия вазири 44 ёшли Софи Вильмес бош вазир, Европа кенгашининг бўлажак раҳбари Шарль Мишель ўрнини эгаллади.**

Бельгиялик сиёсатчи Софи Вильмес қироллик бош вазири вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Бу ҳақда қироллик саройининг «Twitter» саҳифасида маълум қилинди. У Бельгия ҳукумати тарихида ушбу лавозимга тайинланган илк аёл бўлди.

«Софи Вильмес Брюсселдаги қироллик саройида қабул қилинди. У бош вазир лавозимига тайинланади», дейилади хабарда.

## ОЧИҚ ОСМОН ОСТИ ШАРТНОМАСИ



**Шартнома қатнашчилари ҳарбий фаолиятни назорат қилиш мақсадида бир-бирларининг ҳудудлари устида парвозлар амалга ошириши мумкин.**

АҚШ президенти Дональд Трамп АҚШнинг очиқ осмон бўйича шартномадан чиқиб кетиши битилган ҳужжатни имзолади. Бу ҳақда ўз манбаларига таяниб «The Wall Street Journal» хабар берди.

Очиқ осмон бўйича шартнома (The Treaty on Open Skies) 1992 йил 24 мартда имзоланган бўлиб, ҳозирда 34 давлат ушбу шартнома иштирокчиси ҳисобланади.

## ИШИД РАҲБАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНГАНИ РОСТМИ?



**ОАВда ИШИД раҳбари Абу Бакр ал-Бағдодий ўлдирилгани ҳақидаги хабарлар фонида Туркия Мудофаа вазирлиги АҚШ Анқара билан мувофиқлаштирилган ҳолда ИШИД раҳбарига қарши ҳарбий амалиёт ўтказганини тасдиқлади.**

Маълум қилинишича, америкаликлар авиацияси шу йилнинг 27 октябрга ўтар кечаси Сурия ва Туркия чегараси яқинидаги Идлиб вилоятининг Бариша қишлоғида жойлашган бир неча уйга ракета зарбалари йўллаган. Амалиёт 4 соатга яқин вақт давом этган. Авиазарбалар якунида бинолар буткул вайрон бўлган.

Агентлик маълумотига кўра, воқеа жойидан 7 кишининг жасади топилган, яъни 3 нафар эркак, 3 нафар аёл ва бир бола.

Ҳозирча ушбу амалиёт ва унинг якунлари бўйича расмий баёнот берилмади.

2017 йил июнида Россия Мудофаа вазирлиги ҳам ал-Бағдодий Суриянинг Ракка шаҳри яқинидаги авиазарба оқибатида ҳалок бўлганини маълум қилганди. Аммо ўшанда АҚШ бошчилигидаги Халқаро аксилтеррор коалиция бу хабарни тасдиқламаганди.

**Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.**

**» Турмуш чорраҳаларида**

Бу воқеа 5-6 йил аввал бўлганди...

Ҳурбуви опа ҳоким ўринбосари олдидан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди. “Ўттиз сотих ерга етти минг доллар сўради-я, ноинсоф! Қоидаси шунақа эмиш. Бунақа қоидаларни сенга ўхшаган текинтомоқлар чиқарган. Бир деҳқон омоч билан, еттовлон чўмич билан дегандай, деҳқон-фермердан сўровчи кўп. Биз бир нима сўрасак, мана аҳвол!..”. Ўзига ўзи гапириб, пиёда анча юриб қўйганиниям билмади. Машинанинг таниш сигналидан ўзига келди. Хўжалик ҳисобчиси Муроджон экан.

# ҲАР ХАЙРДА БИР ҲИКМАТ

— Ҳа, опа, тинчликми, икки-уч сигнал бердим, қарамадингиз? — деди у “Нексия”нинг орқа эшигини очиб, опани таклиф қиларкан. — Ўша масалами?

— Ўша масала! Лекин бу аҳволда битадиганга ўхшамайди. Етти минг сўраяпти, кўк эмиш! Ана бўлмаса, бели оғримаганнинг нон ейишини кўринг...

— Нима қилмоқчисиз энди?

— Буларга берадиган пулим йўқ. Ундан кўра, ўша пулни бирор эҳтиёжмандга, контракт пулини тўлолмай қийналаётган талабага берсам, ўрнига тушади... Уйда болалар, хўжайин билан маслаҳат қилганда, катта ўғлим: “Қўйинг, шу ишни, сизга нима етмаяпти? Мана, биз бормиз. Хўжаликни кенжангиз юритиб турган бўлса... Керак бўлганда, заводниям ўзи қуриб олаверади”, деб қарши бўлганди. Мен уйда ўтира олармидим. Бир кун ўтирсам, мазам қочади-ку! Кучим етгунча, хайр-савоби бор ишга қўл ургим келади, нима қилай, деб ҳокимиятга борган куним эди. Яхши режангиз бор экан, ўн-ўн бешта иш ўрни очилса, маҳаллий аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминласангиз, бу бизгаям маъқул, деган гапни эшитарман деб ўйловдим, афсус...

— Савоб ишлар учун пулни аямаслигизни ҳамма билади, опа! Барибир уларга ҳеч бўлмаганда, ярмини бермасангиз ер ололмайсиз, — деди-да, Муроджон машинани офис ёнига тўхтатди.

Ҳурбуви опа ичкари кириши билан кўзлари кулиб турадиган котиба қизни кўриб, бироз кўнгли ёришди. “Қиз бола “шайтон” бўлади деганлари шумикан, — кўнглидан ўтказди у. — Шу қизни кўришим билан ҳамма ташвишим унут бўлади-я...”.



Опанинг тўрт ўғли бор. Ҳаммасини ўқитиб, уйли-жойли қилди. Ишлари тайин, обрў-эътибори жойида. Фақат кичигини уйлантирса бўлгани. Эндигина ўн еттини тўлдирган мана шу котиба қиз баъзан жилмайибгина сўраб қолади: “Мени келин қилмайсизми, аяжон?”

— Майли, қизим, келин бўлса, сендай бўлар-да, зиёд бўлармиди? Азимжонга маъқул келсанг бўлди, — дея ҳазил-ҳузул қилиб кетаверарди. Ҳурбуви опа ҳам. Ойгул буни жиддий қабул қилган, Азимжондек куёви бўлишини ўйлаб, ширин хаёллар билан яшаётган эди. Аммо кўпдан буён ўзидан куч кетиб бораётганини сезган қиз шифокор кўригига борди-ю, барча орзу-умидлари бир кунда чил-чил бўлди. Саратонга чалинибсан, анча вақт ўтиб кетибди, дейишди.

Ўз ташвиши билан юрган Ҳурбуви опа эса буни эшитмаган эди. Аслида, ўзи тенги бошқа аёллардек, биров билан суҳбатлашиб, узундан-узоқ ҳангома қилиб ўтиришга ҳечам вақти йўқ. Аввалига савдо соҳасида, мана, ўн беш йилдирки, фермер хўжалиги иши билан банд. Наслли бузоқлар етиштиради, қанча ташкилотни сут билан таъминлайди. Буларнинг бари катта меҳнат. Қўл остидаги ишчи-ходимларнинг ғайрати, ишга муносабати ҳам хўжалик бекасига қараб-да! Опа озгина сустлашдими, қолганлар ҳам ўз майлича иш тутади. Шунинг учун Ҳурбуви опа бир дақиқасини бўлсин, бекор ўтказмайди. Буни қарангки, вақти тиғиз одам соғлом ҳам бўларкан. “Шу ёшга кириб, дўхтирга бормаганман, фақат “роддом”га борганда дўхтирларни кўрганман, холос”, дея кулиб қўяди шу ҳақда гап кетганда. Бу ҳам майли-ку, олтмиш бешга чиқиб, ҳали бир мартаям пенсия олмаганига нима дейсиз? Нега олмагансиз, деб сўрасангиз, янада ҳайратланарли жавоб эшитасиз. “Топганимиз етиб тургач, нима қиламан у пулниям олиб? Давлат ўша маблағни пулга муҳтож бирор кишига берса хурсанд бўлардим...”.

Баъзан данғиллама уй-жой, қўша-қўша машинаси борлар бировнинг ҳақига хиёнат қилгани, маҳалладан ёрдам сўрагани, коммунал тўловларни тўламасдан қочиб юрганини эшитиб қоламиз. Уларга қараб, одамзотнинг кўзи тўймас эканда, десак, мана шу бағрикенг аёл: “Бу ғанимат дунёда одамдан қоладигани яхшилик, хайру савоб” дея фикрингни ўзгартиради.

Хуллас, у котибасига майли, сени келин қиламан деб ваъда бериб қўйди-ю, гардуннинг чархпалаги тескари айланиб, бу қизнинг умри тугаб бораётгани маълум бўлди. Шўрлик қизнинг кўзлари жавдираб опага тикилади:

— Энди мени келин қилишни истамайсизми? Оппоқ либос кийиш менга насиб қилмайдими? — дея чарос кўзларидан ёш қуйилади.

Ҳурбуви опа ўғлига бу ҳақда айтмагани боис тили калимага келмай, довдирайди. Сўнг ҳорғин бир қиёфада уйига кириб боради. Ўғил волидаси нимадандир безовталигини билиб сўрагач, ниҳоят ҳаммасини очиқлайди. Аввалига: “Нега бировни умидвор қилдингиз, она?” — дея норози бўлган Азимжон бир-икки кун ўтгач, фикри ўзгаради.

— Онажон, рўзаи рамазон кунларида Яратганнинг бизга юборган синовидир бу, майли, неча кун умри қолган бўлсаям ўша қизга уйланаман, — дея шу бағрикенг аёлнинг ўғли эканини исботлашга бел боғлайди.

Бу гапни эшитиб, онанинг елкасидан тоғ қулагандек, енгил тортади ва одатларимизга кўра, совчиликка шошилади.

Эшитганлар опани жиннига чиқаришади. Эрта-индин бир нима бўлиб қоладиган қизга шунча харажат, катта тўй берганини ҳазм қилолмайдиганлар ҳар хил гап-сўзлар тарқатишади. Таассуфки, бундай кимсалар Ҳурбуви опа сингари вайрон бўлган Каъбани қайта тиклашдек савоб мана шу кўринишда бўлишини англамайдилар. Орзулар қучоғида бахтиёр бўлган қиз эса афсуски тўй сўнггида касалхонага ётқизилади. Чунки бундай хасталик ўта хурсандчиликни ҳам кўтаролмайди. Шифокорлар қизнинг ўн кунлик умри қолганини айтишади.

Мана шу ўн кун ичида унинг барча тилакларини амалга ошириш учун она-ўғил ҳеч нимани аяшмади. Қаерга деса, элтиб, нимани истаса, муҳайё қилишди. Сўнгги кунларида келинчак опага шундай деди: “Онажон, мени бахтли қилдингиз, мен ўтиб кетгач ҳам фаришта мисол доим бошингизда парвона бўлиб, сизни қўриқлаб тураман...”.

Шундай бўлди ҳам. Бу дунё ҳисоб-китобли — бировга берганингни ўзинг ҳам оласан. Опанинг ишида тўсиқ бўлиб турган деворлар қулади. Ҳоким ўринбосари ўзгарди. Янги ўринбосарни тадбиркорни қўллайдиган инсофли одам экан дейишди. Рост экан, опага ер ажратди. Айни пайтда Ҳурбуви опа сутни қайта ишлайдиган завод қурилиши билан банд...

**Холида ФАЙЗИЕВА.**

**Кечинма**

**1992 йил ёз ойларининг якшанба тонгларидан бири эди. Эрик Адам Аризона штатидаги Фонекс шаҳридаги квартирасида кир ювиш билан ўзини овутар, ўтмишини эсламасликка ҳаракат қиларди. Ўтган кун қайғуси сабаб телевизордаги янгиликлар ҳам деярли қулоғига кирмас эди...**

# Қамал остидаги муҳаббат

Икки йил олдин Эрик жуда бахтли яшарди, чунки у Сузи исмли ажойиб аёлга уйланганди. Кутилмаганда Эрикнинг бахтли кунлари тўсатдан якун топди. Сузи 33 ёшида юрак хуружидан оламдан ўтди. Мана, икки йилдан буён Эрик ўз ёғида ўзи қовриляпти. Диванга чўкди дегунча хаёллари яна Сузига кетаверади.

Яна телевизор мурувватини буради, мухбир Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўраётган югурувчи босниялик аёл ҳақида ҳикоя қилаётганди. "Бу аёл кунда икки марта Сараево кўчаларидан югуриб ўтади", дерди мухбир. "Сараево?" Эрик ҳайратланди. Ҳа, Сараевода фуқаролар уруши бўлаётибди, қандай қилиб шундай вазиятда олимпиадага тайёргарлик кўриш мумкин? Эрик диққат билан телевизорга қаради. Ёшгина аёл Сараево кўчаларидан бошини баланд тутиб югурарди, гўё снайперлар уни ҳам нишонга олишга ҳаракат қилаётгандек эди. Аёл эса тинимсиз камера томонга қараб қўярди. Шу тариқа янгилик ниҳоясига етди.

Эрик экранга узоқ тикилиб қолди. У ҳайратдан қотиб қолганди. Бу аёлда қанақа мардлик хусусияти борки, у уруш кетаётган пайтда ўз мақсадига эришиш, Олимпиада чемпиони бўлиш учун югуради. Қойил! Эрик туйқус у аёл билан учрашгиси ва суҳбатлашишни жуда-жуда хоҳлаётганини сезди. Лекин бу осон иш эмас, спортчи аёл дунёнинг нариги чеккасида яшайди. Эрик ҳатто унинг исмини ҳам билмайди.

Шу заҳотиёқ Эрик кутубхонага жўнади ва янгиликлар ёзилган газеталарни титкилай бошлади. Ниҳоят, у излаётгани — аёлнинг Сараево кўчаларидан югуриб ўтаётган расмини топди. Расмнинг тагига унинг исм-фамилияси ёзилганди. У Мирсада Бюрик экан. Эрик газетадаги хабардан билдики, у ҳозир Сараевода эмас, Испаниянинг Барселона шаҳрида, Ёзги олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

Эрик Мирсадага хат ёзди, хатда уни телевизорда кўрганлигини, кўриб ҳайратга тушганини, Америкада ҳам уни ардоқлайдиганлар бор эканлигини битди. "Агар мен сизга ёрдам бера оладиган бўлсам,



илтимос, менга хабар қилинг", у хатини шундай деб тугатди.

Мирсаданинг олимпик пойгаси уч минг метр бўлиб, у бу мусобақада ютмади, лекин финиш чизиғини кесиб ўтаётганида тўпланганлар уни олқишлаб қичқиришди ва ўрнидан туриб қарсак чалишди.

Олимпиададан кейин Мирсада Сараевога қайта олмади, чунки бу жуда хавфли эди. У Боснияning ғарбидаги Словения деган давлатда қочоқ сифатида кўним топди. Оиладан ажралиб қолган Мирсада ўзини ёлғиз ҳис этиб, Эрикнинг хатига жавоб беришга қарор қилди. Бир амаллаб Боснияча-инглизча луғатдан фойдаланиб, хат ёзди. Бироз муддатдан кейин Эрик Мирсадага жавобан яна битта хат ва ўзининг расмини жўнатиб юборди. Кейинги бир неча ой давомида тўрт маротаба хат Эрик ва Мирсада орасида тинимсиз парвоз қилиб турди. Ниҳоят, Эрик яқинда Европада бўлишини ва йўл-йўлакай Словенияга ҳам кириб ўтмоқчилигини таъкидлади. У Мирсада билан учрашмоқчи эди.

...Тунги соат тўққиз... Мирсада Эрикни кутиб, шаҳарнинг бир чеккасида турарди. Шу пайт кичкинагина йўловчи машинадан жигарранг соч, кўк кўзли одам тушиб келди. Бу Эрик эди. У Мирсадага қараб юрди. Унга инглизчада "Қалайсиз?" — деди. "Яхши" зўрға жавоб қайтарди Мирсада. Сўнг иккаласи бир-бирига қараб қолди. Эрик боснияча гаплаша олмас, Мирсада эса инглизчани деярли билмас эди.

Мирсада, Эрик ва бир таржимон Мирсаданинг кичкинагина ҳужрасига боришди. Улар қуёш чиққунча гаплашиб чиқишди. Афсуски, Эрик кетиши керак. Агар у йўлга чиқмаса, АҚШга бўладиган парвозга кеч қолади. Машинага яқинлашар экан, Эрик Мирсаданинг кўзидаги маъюсликни пайқади. Тўсатдан: "Мен билан АҚШга кетишни хоҳлайсанми?" — деди. "У ерда сени боғлаб, чирмаб ташлайдиган арқонлар йўқ". "Қайтишингга ҳам, албатта, билет сотиб оламан", деди Эрик. Мирсада йиғлашни бошлади. "Йўқ", — у жавоб қайтарди. "Раҳмат. Лекин йўқ".

"Яхши, агар қачонлардир фикринг ўзгариб қолса, мен билан боғланишинг мумкин", деди Эрик.

Мирсада Эрикнинг таклифини ҳафталар давомида ўйлади. Ниҳоят, у Америкага боришга қарор қилди.

1993 йилнинг март ойида Мирсада Аризонага етиб келди. У Эрикнинг уйини осон топди, чунки Эрик манзилини аниқ-тиниқ ёзиб қолдирганди. Улар аввалига ака-сингилдек яшай бошлашди. Бу орада Мирсада инглиз тилини ўрганди, коллежда сабоқ олди. Вақт ўтиши билан Мирсаданинг юрагида Эрикка нисбатан муҳаббат уйғонди. Ва улар 1993 йилнинг декабрь ойида турмуш қуришди.

1996 йилнинг ёзи эди. Олимпия машъаласи Аризона штатининг Фонекс шаҳри бўйлаб Жоржиа штатининг Атланта шаҳрига қараб ҳаракатланди. Мирсада ўтган олимпиада ўйинидан буён эришган нарсаларини ўйлай бошлади: Америкага келиб, инглиз тилини ўрганди, коллежни тамомлади, яна нимага эришди экан? Қизиқ. Ана у, Фонекс шаҳри кўчаларида Олимпиада машъаласини кўтариб чопаяпти. Мирсада бу кўчадан худди Сараево кўчаларида югураётган чоғларидагидек бошини баланд қилиб, югуриб ўтяпти...

**Инглиз тилидаги "Реал ҳаётда бўлган воқеалар" китобидан Носир ШЕРБОЕВ таржимаси.**

Реклама ҳуқуқи асосида




Хизматлар лицензияланган.

**Криминал хабарлар**

## Қалбаки пул "ихтирочиси" қўлга тушди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Наманган шаҳар бўлими томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро М.М. ҳар бири 100 АҚШ доллари купюрасидаги 21 дона 2.100 АҚШ доллари миқдоридаги қалбаки валюта қимматликларини фуқаро У.Т.га 1.000 АҚШ долларига сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро М.М.га нисбатан ЖКнинг 176-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

## Солиқ тўламаслик ҳолатлари аниқланди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, "W.T." МЧЖ мансабдор шахслари 2019 йилнинг январь-июнь ойларида хориждан импорт қилинган 61,1 млрд. сўмлик юқори ликвидли маҳсулотлардан 44,9 млрд. сўмлигини нақд пулга сотиб, савдо тушумини банк муассасасига кирим қилмасдан, 2019 йил 2-чорак якуни бўйича ҳисоботлардан яшириб, бюджетга тўланиши лозим бўлган қарийб 9 млрд. сўм қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганликлари аниқланган.

Ваҳоланки, корхона мансабдор шахсларига, бир ой муддат ичида солиқ тўловларини бюджетга тўлаши лозимлиги тушунтирилиб, расман огоҳлантирилган.

Аммо ... шахсий нафс устун келган.

Мазкур ҳолат юзасидан жамият мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 184 ва 189-моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

**Бош прокуратура матбуот хизмати.**

**Тафаккур**

## *Ичимиздаги сир бизнинг асиримиз*

*Инсон кулиши ила тарбиясини, кулган нарсаси ила савиясини кўрсатади.*

***

*Ойнинг кечага сабр қилиши уни ойдинлатур, гулнинг тиконга сабр қилиши уни хушбўйлантирур.*

Жалолиддин РУМИЙ.

*Инсон токи ўзини майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳу-воҳдан озод қилмас экан, у ҳеч қачон пастлик табиатидан халос бўлолмайди.*

***

*Мен кўп юртни кездим ва олам аҳволига қарадим. Унда ҳайронлик кафтини иягига тирагандан ва пушаймонлик бармоғини тишлагандан бошқани кўрмадим.*

Абу Али ибн СИНО.

*Агар оқил одам нодонлар гурунгига тушиб қолса, иззат-икром кутмасин, агар улар бемаъни гапи билан оқилни енгса, бунинг ажабланадиган жойи йўқ, зеро ёқутни тош синдиради.*

Абулқосим ЗАМАХШАРИЙ.

*Ичимиздаги сир бизнинг асиримиз, ошкор этсак биз унинг асирига айланамиз.*

Али ибн Абу ТОЛИБ.

**Бадиа**



## У мафтункор эди...

У билан кунига камида икки марта учрашар эдим...

Келишган қадди-қоматини гоҳ сарвқомат соҳибжамолга қиёсласам, гоҳида хиром айлаётган раққосанинг нозли карашмасига ўхшатардим. Доимо андак энгашиб қарши олишини эса "Ассалому алайкум"даги тавозега менгзардим.

Яна Унда висолга интиқ малакнинг интизор нигоҳини ҳам кўрар эдим. Ҳатто мана шу ҳоли паришонлиги ҳам жуда ярашарди ўзига, чиройининг такрорланмас зебу забари эди.

У ҳар қандай ҳолатда — қуёш чарақлаб турганда ҳам, ҳаво тундлигида ҳам бирдек гўзал, нафосатли дилбар эди.

У ён-атрофидагиларига сира-сира ўхшамасди. Чеҳрасида ҳар қандай кўз қарашини ром қилгувчи мафтункорона мастоналик устувор эди.

Унда неча асрки, жаҳон санъатсеварларини лол қолдириб келаётан улуғ мусаввир Камолиддин Беҳзод бобомизнинг хаёлий миниатюраларининг табиий чизгилари мужассам эди, нозикниҳол нозаниннинг жуссасида!

У билан кунига камида икки марта дийдорлашар эдим. Ёзда ҳам, кузда ҳам, қишда-ю баҳорда ҳам.

Ҳар фаслда-да ажиб ҳусн соҳибаси эди, У!

Кузакда олтинранг ҳарир либосидан дурлар сочилиб турса, кўклам бошига яшил дурра тортар, ёз остонасида эса шода-шода сочпопуклар тақар эди.

Ҳа, ҳар мавсумни тантанавор қарши олгувчи эди, У!

Ҳар учрашганда хаёлан сўрар эдим: "Сен нега хомушсан, эй гўзал?".

Ва эшитгандек бўлар эдим: "Бугун кўришдик, эртага яна дийдорлашамизми, йўқми..."

Ўша "эртага"лардан бирида, бу жавоби замирида нақадар катта хавотири борлигини англадим...

Не ажабки, у хилқат мени кутар жойида йўқ эди!

Қурилаётган кўча ва унга ёндош йўлакнинг четида безарар ва беозор турса-да, Уни ортиқча деб ҳисоблашганди. Афсус, минг афсуски, бундай хулосага келганлар орасида Унинг такрорланмас гўзаллигини ҳис қиладиган ҳалоскори йўқ эди. Уни севувчи ва ҳар гал унинг жамолидан аллақандай ёқимли ҳис-туйғуларни қалбимга жо қилиб, гоҳ жануб, гоҳ шимол тарафга ўтгувчи МЕН эса кечиккандим...

Айни ўша "МЕН" ва "СЕН"-ларнинг бефарқлигимиз ва лоқайдлигимиз туфайли бир гўзаллик тимсоли — "У" йўқ бўлган эди.

Ҳа, ул хурлиқо, ул ҳусни бетакрорни, гарчи тил қоидаларига зид бўлса-да, У деб талқин қилдик. Сезгандирсиз, аслида У бир дарахт... Дарахтки, сиз, биз, улар — ҳаммамиздек, тамойили ободлик, кўркамлик, яратувчилик бўлган ҳаётни севгувчи жонли вужуд — наботот оламининг оддий бир вакили эди.

... Орадан йигирма йил ўтаётган бўлса-да Уни ҳеч ҳам унутолмайман. Бир вақтлар зеб бериб турган манзилидан ўтар эканман, миннатдорона хотираларим билан Уни эслаб қўяман... Ва беихтиёр мени мафтун қилган малоҳатини бошқа дарахтлардан излайман.

Аммо афсуски, унингдегини тополмайман...

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 5 босма табоқ. Бичими — А-2.

*Баҳоси келишилган нархда*

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мактубларингизни кутамиз.*

Адади: 4005

Буюртма — V-3861

1 2 3 4 5

Топшириш вақти — 20:00

Топширилди — 21:00

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-91

**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80

**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-88

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.*

**Навбатчи:** Ю.Жўраев. **Мусаҳҳиҳ:** Ш.Убайдуллаева.

**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**

Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**